

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

2-сон
(1126)
2024 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

- ««Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 12 январдаги ЎРҚ-895-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

- «Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги ПФ-9-сон Фармони
- «Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини

янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги ПҚ-15-сон қарори

15. «Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги ПҚ-21-сон қарори

Бешинчи бўлим

16. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 10-yanvardagi 1-mh-son “Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlari tomonidan o‘tkaziladigan sud ekspertizalarining murakkablik darajasini aniqlash tartibi va sud ekspertizalarini amalga oshirish muddatlarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-yanvar ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3488*)
17. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2023-yil 22-dekabrdagi 11-son, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2023-yil 20-dekabrdagi 2023/31-10-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2023-yil 14-dekabrdagi 01/14-07-2/30-son “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyiҳalarini joylashtirish, klaster a’zolari (ishtirokchilari)ni ro‘yxatdan o‘tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-yanvar ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3489*)
18. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 26-dekabrdagi 262-mh-son “Tadbirkorlik subyektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazishda ularga elektron raqamli imzo kalitlarini berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-yanvar ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2349-1*)
19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 11 январдаги 2-мх-сон «Саноат намунасига патент бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3490*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ****12 «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
25 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 24 ноябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Шу билан бирга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига ҳамда унинг ваколатларига доир янги нормаларнинг белгиланганлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди фаолиятини ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ушбу Қонун билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хulosा берилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишини, унда мустаҳкамланган устувор принципларнинг Янги Ўзбекистон foясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқарилишини, давлат органларининг фаолияти янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилишини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги ЎРҚ-687-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 январда эълон қилинган.

ликаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 292-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 4-модданинг биринчи қисми:

2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди»;

куйидаги мазмундаги **2¹-банд** билан тўлдирилсин:

«^{2¹}) Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида ху-лоса беради»;

2) 5-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Конституциявий суд ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси хуқуқига эга»;

3) 7-модданинг:

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш хуқуқисиз ўн йил-лик муддатга сайланади»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

4) 12-модданинг иккинчи қисми «илмий» деган сўздан кейин «ижо-дий» деган сўз билан тўлдирилсин;

5) 17-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ваколатлари муддати тугаган судьянинг бошқа иш тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳал бўлаётган даврда, бироқ уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади»;

6) 83-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«83-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси

Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Конун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш ҳақида;

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш ҳақида.

Ушбу моддада назарда тутилган ишлар бўйича Конституциявий суд тешкили хужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қарор қабул қиласди»;

7) қўйидаги мазмундаги **83¹-модда** билан тўлдирилсин:

«83¹-модда. Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида холоса бериш ҳақидаги ишларни юритиш

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қўйидаги хуносалардан бирини беради:

Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси референдумига чиқарилаётган масалаларни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш ҳақида.

Ушбу моддада назарда тутилган ишлар бўйича Конституциявий суд тешкили хужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қарор қабул қиласди».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижро-чиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 12 январь,
ЎРҚ-895-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

13 Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида*

Жаҳон туризм бозоридаги кучли рақобат шароитида Ўзбекистонга хорижий туристларни кенг жалб қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, туризм намойиши обьектларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳудудларни ўзаро боғловчи туризм хизматларини янада кенгайтириш, соҳада янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, республика туризм салоҳиятини хорижий мамлакатларда манзилли тарғиб қилиш мақсадида:

1. Кўйидагилар:

2024 йилда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 2024 йилда хорижий туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича режа-жадвал 2-иловага** мувофиқ;

Хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини янада ошириш ҳамда зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага** мувофиқ;

Хитой Халқ Республикаси, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Араб давлатлари ва Россия Федерациясидан туристларни жалб қилиш бўйича чо-ра-тадбирлар дастури 4а — 4г-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг:

туризм салоҳияти юқори бўлган туман ва шаҳарларда замонавий меҳмонхоналар (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо-кўнгилочар мажмуаларидан иборат бўлган туризм марказларини барпо қилиш;

«Зомин» туристик-рекреацион зонаси, «Чимён» халқаро умуммавсумий курорти ва «Амирсоӣ» тог-chanги курорт зонаси ҳудудида бож олинмайдиган («duty free») ва ѹирик халқаро брендларнинг савдо дўконларидан иборат бўлган ѹирик савдо комплексларини («Luxury tourism village») барпо қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

Замонавий меҳмонхоналар ва савдо-кўнгилочар мажмуалардан иборат

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 январда эълон қилинган.

** 1 — 4г-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўлган туризм марказлари ва юирек савдо комплекслари барпо қилинадиган туман (шахар)лар рўйхати 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилаб қўйилсинки, туризм марказлари худудидаги:

а) меҳмонхоналарда:

туну кун ишлайдиган ресторан, кафе ва умумий овқатланиш шохобчалири фаолияти;

соғломлаштириш ва «SPA» хизматлари, сузиш ҳавзалари (бассейн) фаолияти йўлга қўйилади;

б) савдо-кўнгилочар мажмуаларда:

бож олинмайдиган савдо дўконлари («duty free») ва қўшилган қиймат солиғи билан сотилган айрим турдаги товарларга «tax free» тизими қўлланиладиган чакана савдо шохобчалари;

миллий ипак матолари ҳамда ҳунармандчилик (сувенир) маҳсулотлари савдоси;

миллий заргарлик маҳсулотлари ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, қимматбаҳо металлардан тайёрланган (10, 20, 50, 100, 200, 500 грамм ва 1 килограммли олтин кўймалар) ўлчовли қўймалар чакана савдосидан иборат бўлган «олтин йўлак» савдо қаторлари;

юирек халқаро брендларнинг сифатли маҳсулотлари савдоси;

тўй маросими тадбирларини ташкил этиш учун худуд ва кинотеатрлар фаолияти йўлга қўйилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-104-сон қарори 2-бандининг «в» кичик бандида белгиланган имтиёзлар туризм марказларига нисбатан ҳам татбиқ этиш юзасидан тегишли норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини киритсан.

4. Туризм марказлари ва юирек савдо комплексларини барпо қилиш учун ер участкаларини аниқлаш бўйича ишчи гурух таркиби 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Ишчи гурух (А. Арипов) икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 5-иловасида белгиланган туман ва шаҳарларда туризм марказларини ва юирек савдо комплексларини («Luxury tourism village») барпо этиш учун ер участкалари худудини аниқласин ва белгиланган тартибда савдога чиқарилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, туризм марказларининг мастер режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий эксперталар ҳамда бошқарувчи компаниялар хизматлари учун ҳақ тўлаш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Туризм қўмитасининг (кейинги ўринларда — Туризм қўмитаси) Туризмни қўллаб-куvvatлаш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

6. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг қўйидагиларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан:

* 5-6-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туризм марказлари худудидаги савдо-кўнгилочар мажмуаларининг «олтин йўлак» савдо қаторларида заргарлик буюмларининг чакана савдо дўконларини қуриш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш;

туризм марказлари худудидаги савдо-кўнгилочар мажмуаларга заргарлик буюмларини сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини жалб этиш;

туризм марказлари худудидаги савдо-кўнгилочар мажмуаларидаги савдо дўконларининг узлуксиз фаолият олиб бориши учун зарур чораларни амалга ошириш.

7. Белгилансинки:

2024 йилдан бошлаб хорижий мамлакатларда республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун Туризм қўмитасининг Туризм вакиллари бириктирилади;

Туризм вакилларига номзодлар ҳамда улар томонидан республиканинг туризм салоҳияти тарғиб қилинадиган хорижий мамлакатлар Туризм қўмитаси томонидан тасдиқланади;

Туризм вакилини Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш фаолиятини рағбатлантириш Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Туризм вакили учун Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини намойиш қилувчи тарғибот материаллари (фото ва видео материаллар, буклет, флаер ва бошқалар) Туризмни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тайёрланади ва етказилади.

Туризм қўмитаси икки ой муддатда хорижий мамлакатларда республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун Туризм вакилларининг бириктирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикасида туризм ва унга ёндош соҳаларни жадал ривожлантириш бўйича ишчи гурухлар таркиби 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Ишчи гурухлар раҳбарлари 2024 йил 1 июнга қадар:

республикада савдо-кўнгилочар мажмуаларини барпо қилишни қўллаб-куватлаш ва йирик халқаро савдо брендларини мамлакатимизга жалб қилиш;

тиббиёт туризмини ривожлантириш, йирик тиббиёт кластерларини барпо қилиш ҳамда «Medical visa» муддатини узайтириш;

хорижий мамлакатларнинг синовдан ўтган ижобий тажрибаси асосида хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариши кенгайтириш ва хунармандларни қўллаб-куватлашнинг янги тизимини жорий қилиш;

«Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети тасарруфидаги техникум ва коллежларга хорижий ҳамда халқаро таълим муассасаларини «франшиза» асосида жалб қилиш;

халқаро нуфузли туристик ва маркетинг рақамли платформаларида республиканинг миллий туризм маҳсулотлари ва хизматларини жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Туризм соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун қўйидаги маблағлар ҳисобидан жами 200 миллион АҚШ доллари эквивалентида туризм кредит линияси очилсин:

50 миллион АҚШ доллари — оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан;

150 миллион АҚШ доллари — Туризм қўмитаси ҳамда тижорат банклари томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан туризм кредит линиясини амалга ошириш учун жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан.

Белгилансинки, туризм кредит линияси оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари таркибиغا қўшилади ҳамда қўйидаги шартларда амалга оширилади:

а) туризм кредит линиясининг 50 фоизи:

3 йил муддатга, шу жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада миллӣ валютада жойлаштириш воситалари худудида чўмилиш ҳавзалари (бассейн) учун — 200 миллион сўмгача;

5 йил муддатга, шу жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада чодирлар (кемпинг) учун — 100 миллион сўмгача, ўтовлар учун — 300 миллион сўмгача, экоўйлар учун — 500 миллион сўмгача, контейнерлар учун — 600 миллион сўмгача, хостеллар учун — 1 миллиард сўмгача ҳамда глэмпинглар учун — 1,5 миллиард сўмгача, модулли меҳмонхоналар ва автокемпинг лагерлар (камида 10 та автокемпинг) учун — 3 миллиард сўмгача миллӣ валютада ажратилади;

б) туризм кредит линиясининг 50 фоизи тижорат банклари томонидан замонавий аквапарклар қуриш учун 10 миллиард сўмгача 10 йил муддатга, шу жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада миллӣ валютада ажратилади.

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кучкаров туризм соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш бўйича кредит линиясидан самарали фойдаланиш, лойиҳалар амалга оширилиши ва белгиланганд муддатда ишга туширилишини мувофиқлаштириб борсин.

10. Туризм қўмитаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 октябрга қадар туризм марказларининг мастер режалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ 2024 йилдан бошлаб:

а) туризм намойиши обьектларини ўзаро боғловчи «туризм ҳалқалари»-ни ташкил қилиш асосида саёҳат муддатини оширишни назарда тутувчи «Ўзбекистонда яна бир кун саёҳат» дастури амалга оширилади. Бунда:

республика худудларидаги туризм намойиши обьектларини ўзаро боғловчи «республика туризм ҳалқалари» (вилоятлараро);

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида-

ги туризм намойиши объектларини ўзаро боғловчи «худудий туризм ҳалқалари» (туман ва шаҳарлараро) ташкил этилади.

Туризм қўмитаси Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «туризм ҳалқалари»га киритилган энг яхши туризм намойиши объектлари ва соҳа субъектларини «Uzbekistan Tourism Industry Awards» мукофоти билан тақдирлаб борсин;

б) республикадаги туризм намойиши объектларини ўзаро боғловчи Туристик йўналишлар (маршрутлар)нинг ягона реестри юритилади. Бунда:

Туристик йўналишлар (маршрутлар)нинг ягона реестрини (кейинги ўринларда — Ягона реестр) шакллантириш ва юритиш Туризм қўмитаси томонидан амалга оширилади;

Ягона реестрга киритилган туристик йўналишлар (маршрутларга) Туризм қўмитаси муаллифлик ҳуқуқига эга бўлмайди;

туризм объектларининг ўйл инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритишда Ягона реестрга кирган объектларга устуворлик берилади;

туроператорлар ўз «туристик пакет»ларини шакллантиришида Ягона реестрга киритилган маълумотлардан бепул фойдаланади;

в) ҳар икки йилда бир маротаба май ойининг учинчи ҳафтасида мукофот жамғармаси 2 миллион АҚШ доллари бўлган Ҳалқаро «Ўзбекистон ипак матолари» мода ҳафталиги («SILK UZBEKISTAN FASHION WEEK») ўтказилиди. Бунда:

мода ҳафталиги давомида жаҳоннинг етакчи мода уйлари жалб қилинади ва улар ўртасида Ўзбекистоннинг ипак матоларидан замонавий кийимларни тайёрлаш бўйича танлов ўтказилади;

мода ҳафталигининг мукофот жамғармаси Республика бюджети маблағлари хисобидан молиялаштирилади;

г) миллий заргарлик маҳсулотлари дўконларида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, қимматбаҳо металлардан тайёрланган ўлчовли кўймалар ҳамда Марказий банкнинг эсадалик пул белгиларини сотиш учун вендинг автоматларини ўрнатишга рухсат берилади.

12. Туризм қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда «Ўзбекистонда яна бир кун саёҳат» дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

а) «Тўрт фаслнинг ҳар бирида саёҳат» туризм мавсумларининг очилишини назарда тутувчи фестиваллар ўтказилади. Бунда:

баҳор туризм мавсуми — февраль ойининг, ёз туризм мавсуми — май ойининг, куз туризм мавсуми — август ойининг ва қиши туризм мавсуми — ноябрь ойининг сўнгги ҳафтасида бошланади;

баҳор ва куз фаслларида республиканинг эко, экстремал, агро, гастроономик ва тиббий, соғломлаштириш туризм салоҳияти;

ёз фаслида республиканинг сувда дам олиш ва пляж, эко, тарихий билим берувчи ва маданий-кўнгилочар, гастрономик туризм салоҳияти;

қиши фаслида республиканинг тиббий, соғломлаштириш, экстремал туризм ва төғ-чанғи курорт зоналарининг имкониятлари намойиш этилади ҳамда тарғиб қилинади;

б) ички туризм йўналишидаги туроператорларнинг маҳсулотларини туристларга тақдим қилиш мақсадида «Тўрт фаслнинг ҳар бирида саёҳат» туризм мавсумининг очилиши доирасида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризм ярмаркаси ташкил этилади.

Ички туризм ярмаркаси 2024 йилда Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳрида, 2025 йилдан бошлаб иштирок этувчи тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий бюджет ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан республика ҳудудларида ўтказилади;

в) Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) шафелигидағи Халқаро туризм академиясида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳар йили Давлат бюджети ҳисобидан маблағлар ажратиб борилади.

14. Белгилансинки, 2024 йил 1 марта 2026 йил 1 марта қадар:

а) белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган қўйидаги товарлар божхона божлари тўланишидан озод этилади:

мехмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, савдо-кўнгилочар мажмуаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, мебель ва инвентарлар, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар;

чўмилиш ҳавзалари (бассейн) ва аквапарклар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, турникетлар, тўлов-маълумот терминаллари, виdeoқузатув тизимлари, янги замонавий энергия тежовчи тизимлар, маҳсус сув тозалаш фильтрлари;

туризм марказларида жойлашган заргарлик ва олтин маҳсулотлари чакана савдоси дўконлари фаолиятини ташкил қилиш учун керак бўладиган қурилиш (реконструкция ва модернизация қилиш) материаллари, асбоб-ускуналар ва технологиялар;

б) Мўйноқ ва Зомин аэропортларига парвозлар амалга оширилганда 23 ёшгача бўлган ёшлар, ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун авиайўловчилар чипталарини сотиши 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилади ҳамда йўловчи ташувчи компанияларнинг ушбу имтиёз тақдим қилиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги мехмонхона ва туризм хизматларини кўрсатиш бўйича давлат активларини савдога чиқаришда харид тўловларини, миқдоридан қатъи назар, 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини назарда тутсин ҳамда уч ойдан ортиқ муддат сотилмасдан турган

активларнинг бошлангич баҳосини 30 фойзгача пасайтириш, зарур ҳолларда, баланс (қолдик) қийматида сотиш чораларини кўриб борсин.

16. Туризм қўмитасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

худудларда туризм бозорининг турли сегментларига мўлжалланган ва хунармандчилик фаолиятининг ҳар бир йўналишини ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

миллий хунармандчилик, айниқса сувенир маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва сифатини, туристлар учун улар жозибадорлигини янада ошириш, шунингдек, хунармандчилик маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш;

хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш, халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш.

Белгилансинки, Туризм қўмитаси ушбу банд билан унга юклатилган вазифаларни «Хунарманд» уюшмаси ва ўирик хунармандлар билан биргаликда ишлаб чиқади ва амалга оширади.

17. Ички ишлар вазирлиги икки ҳафта мuddатда Тахтақорача довонидан ўтиш талабларни қайта кўриб чиқиб, автотранспорт воситаларининг довондан ўтишига нисбатан талабларни юмшатиш чораларини кўрсинг.

18. Туризм қўмитаси уч ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда умумий овқатланиш шоҳобчаларида кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган семинарлар ташкил қилсин.

19. Қўйидагилар:

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳар ойда камида бир маротаба туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари билан «очик мулоқот» шаклида учрашув ўтказиб, худуднинг туризм салоҳиятини янада ошириш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳар чоракда камида бир маротаба вазирлик ва идоралар рахбарлари иштирокида туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар бўйича муҳокамалар ўтказиб борсин, соҳада юзага келаётган муаммоларни тезкор бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан уларнинг ахборотларини эшитиб борсин ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

20. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 12 январь,
ПФ-9-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**14 Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт
салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида***

Электротехника саноатида янги захира ва имкониятларни сафарбар қилиш, юкори қўшилган қийматли электротехника маҳсулотлари, майший ва бошқа техникалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, шунингдек, соҳага замонавий технологиялар жорий этишини изчил давом эттириш мақсадида:

1. 2024-2025 йиллар учун электротехника тармоғини ривожлантириш бўйича қўйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлар белгилансин:

мис хом ашёсини қайта ишлаш кувватини 2024 йилда 140 минг тоннага ва 2025 йилда 160 минг тоннага етказиш;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2024 йилда 30,8 триллион сўмгача ва 2025 йилда 38 триллион сўмгача ошириш;

маҳсулотлар экспорти ҳажмини 2024 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари ва 2025 йилда 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида таъминлаш.

Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гурух (А.Я. Ҳайдаров) ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (М.М. Юнусов) асосий мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

2. Электротехника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ишга туширишнинг йиғма параметрлари 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига (М.М. Юнусов) мазкур дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари бошчилигига бир ой муддатда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБнинг худудий бўлинмалари вакиларидан иборат Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича худудий ишчи гурухлар тузилсан.

Худудий ишчи гурухларнинг вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:
худудларда электротехника саноатида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашиш;

янги инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда тадбиркорлик субъект-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 13 январда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

ларига кўмаклашиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали ҳудудларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

электротехника йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг экспорт бозорларига чиқишига кўмаклашиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳар чоракда камида бир маротаба ҳудудий ишчи гурухларнинг ҳисоботларини кўриб чиқсин ҳамда ҳар чоракда амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиб борсин.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси электротехника саноатида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 2024 — 2026 йилларда тижорат банкларига, уларнинг буюртмасига асосан 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга, йиллик 5 фоиз ставкада 100 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очсин.

Бунда, кредит линияси ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставкада (шундан 2 фоиз банк маржаси) кредитлар ажратилади.

5. Бош вазир ўринбосари (Ж.А. Ходжаев) 2024 — 2026 йилларда ҳалқаро молия институтлари ва хорижий банклардан тижорат банкларига электротехника ва электромаишӣ техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 400 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари жалб қилинишини таъминласин.

6. 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар муддатга ҳисббот даври якунлари бўйича электротехника маҳсулотларини сотишдан тушган тушуми миқдори умумий тушумининг 80 фоизидан кам бўлмаган электротехника тармоғи корхоналарига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича ставкаларни 50 фоизга камайтириш тарзида солиқ имтиёzlари берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган солиқ имтиёzlарининг берилиши муносабати билан бўшаган маблағлар:

корхоналар томонидан дивидендлар кўринишида тақсимланмайди;

янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилишга йўналтирилади.

7. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари доирасида чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этганда уларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан қўйидаги миқдорларда нарх преференцияси берилади:

учта ва ундан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этган тақдирда ўн беш фоиз;

иккита маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этган тақдирда ўн икки фоиз;

битта маҳаллий ишлаб чиқарувчи иштирок этган тақдирда саккиз фоиз миқдорида.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат буюртмачилари электротехника (ТИФ ТН коди 84 ва 85-гурухи) маҳсулотлари харидини амалга оширишда электрон кооперация порталидан

рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини ўрганиш чораларини кўради;

2024 йил 1 февралдан бошлаб электротехника саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хом ашё ва бутловчи қисмларни импорт қилишда, шу жумладан 120 кун кечиктириб тўлашда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш имкониятини берувчи тизимда бир вақтнинг ўзида исталган миқдорда божхона юк декларациясини юбориш, импорт бўйича қўшилган қиймат солиғини биринчи навбатда солиқ органларидаги ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобидан ундириш, сўнгра етмаган қисми бўйича ундирувни божхона депозитидаги маблағларга қартиш тартиби жорий этилади;

соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига аъзолигидан қатъи назар мазкур уюшма тавсияси асосида ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритилади;

мажбурий ракамли маркировка қилиниши белгиланган майший техника маҳсулотларини рўйхатга олиш, мувофиқлик сертификати бериш ва мувофиқлик декларациясини рўйхатга олиш қатъий равишда тегишли маркировка коди олинганидан сўнг амалга оширилади;

маҳаллий ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари харидини амалга ошириш бўйича Миллий саноат порталида алоҳида сахифа яратилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий кўрсаткичларни аниқлашни таъминлайдиган, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган синов лабораторияси мавжуд бўлмаган сертификатлаштириш органлари томонидан электротехника маҳсулотларига мувофиқлик сертификатларини бериш тақиқланади.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилояти ҳокимликлари ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг:

янги турдаги юқори технологияга асосланган электротехника маҳсулотлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ўзлаштириш мақсадида, «Ohangaron Tech Industrial» технопарки негизида «Eltech Industrial» технопаркини (кейинги ўринларда — технопарк) ташкил этиш;

«Ohangaron Tech Industrial» технопаркини бошқариш дирекцияси давлат унитар корхонасини «Eltech Industrial» технопаркини бошқариш дирекцияси давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Дирекция) сифатида қайта ташкил этиш;

Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида қўшимча 214 гектар ер участкаларини ажратиш орқали технопарк ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

10. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси:

икки ой муддатда технопарк ҳудудини кенгайтириш учун инфратузилмалар мавжуд ва ўтказиш осон бўлган унга туташ ҳудудлардан Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериладиган ер участкалари чегараларига аниқлик киритган ҳолда ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича асослантирилган таклифларни тегишилиги бўйича, Қишлоқ ҳў-

жалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига ёки Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин;

ер фонди тоифаси ўзгартирилишига кўра тегишли ер участкаларини Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсан.

11. Хоразм ва Фарғона вилоятлари ҳокимлклари «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда Урганч шахри «Ал-Хоразмий» маҷмуаси худудидан 4 гектар, Фарғона шахри «Эко шаҳар» худудидан 10 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини Дирекцияга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берсин.

12. Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Дирекция фаолиятини самарали ташкил этиш ва технопарк бош режасини ишлаб чиқиши мақсадида технопарк фаолиятини бошқариш учун ушбу соҳада илфор тажрибага эга халқаро консалтинг компаниясини танлов асосида жалб қилсан ва унинг молиялаштирилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, технопаркни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари (етказиб бериш, кўчириш ҳамда зарур инфратузилмани яратиш) 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида:

а) маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ва инвестиция лойихаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобига:

тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ ичимлик сув, оқона сув тармоқларини «Ўзсувтаъминот» АЖ таркибидаги ташкилотлар ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Автомобиль йўллари қўмитаси буюртмачилигига;

электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ҳудудгазтаъминот» АЖ таркибидаги ташкилотлар буюртмачилигига;

б) алоқа тармоқларини қуриш, кўчириш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари «Ўзбектелеком» АҚ буюртмачилигига ўз маблағлари ҳисобидан;

в) ирригация ва очиқ коллекторларни ёпиқ тармоққа ўтказиш ёки кўчириш ишлари Сув хўжалиги вазирлиги обьектларини қуриш-таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

14. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиши бўйича Ҳукумат комиссиясининг Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани худудидаги туман ҳокимлиги захирасида турган 2-иловага* мувофиқ 2 гектар суфориладиган ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат,

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бир йил муддатда тоифаси ўзгартирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ўрнига беш баробарга тенг миқдорда янги ерларни ўзлаштириш чораларини кўрсин.

15. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ички бозорда электротехника саноати маҳсулотлари нархи кескин ўзгаришининг олдини олиш ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар юзасидан 2024 йил 1 марта қадар Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (Ж.А. Ходжаев) 2027 йил 1 январга қадар электротехника соҳаси корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўриш ваколати берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳукумат комиссияси қарорларига асосан электротехника соҳаси корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари учун зарур маблағлар ажратиб борилишини таъминласин.

17. 2024 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда уларнинг сифати, хавфсизлиги ҳамда сервис кафолатини таъминлайдиган ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили ёки расмий дилерлари мавжуд бўлиши талаб қилинадиган маҳсулотлар рўйхати З-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили ва (ёки) расмий дилерларнинг сервис хизмати мавжуд бўлиши керак.

18. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таъсисчилигида ташкил этилган «Eltech-Lab» МЧЖда электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг техник регламентлар ва халқаро талабларга мувофиқлигини (хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини) баҳолаш бўйича замонавий синов лабораторияси ва сертификатлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йилда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига «Eltech-Lab» МЧЖда синов лабораториясини жиҳозлаш учун давлат бюджетидан босқичма-босқич 25 миллиард сўм миқдорида маблағлар ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

2024 йил 1 декабрга қадар электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг техник регламентлар ва халқаро талабларга мувофиқлигини (хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини) баҳолаш бўйича замонавий синов лабораторияси ва сертификатлаштириш марказини ташкил этиш ишларини яқунласин;

2025 йил 1 марта қадар синов лабораторияси фаолиятини халқаро меъёришада қонунчилик маълумотлари миллий базасига эълон қилинган.

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базасига эълон қилинган.

лар асосида ривожлантириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишни инобатга олган ҳолда, уни аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин.

19. Энергетика вазирлиги 2024 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргалиқда энергетика тизимидағи трансформатор нимстанциялари ва трансформаторларга, кабель-сим маҳсулотларига ҳамда қўёш фотоэлектр станцияларига нисбатан ягона техник талабларни тасдиқласин.

20. Бош вазир ўринбосари (Ж.А. Ходжаев) Энергетика вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда энергетика соҳасида инфратузилма лойиҳалари ни амалга оширишдаги давлат харидларида маҳаллий электротехника маҳсулотлари харид қилинишини қўллаб-қувватлаш механизмларини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос равишда ишлаб чиқсин ҳамда амалиётда қўллаш чораларини кўрсин.

21. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси хузурида лойиҳалаш ишларини амалга оширадиган Лойиҳалаш ва инжинииринг маркази — «Eltexenergoloyiha» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Лойиҳалаш ва инжинииринг маркази Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Кўкча дарвоза 1-тор кўчаси, 10-ўйда текин фойдаланиш хукуқи асосида жойлаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айrim қарорларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги уч ой муддатда:

электротехника маҳсулотлари истеъмолчиларига сифатли ва кафолатли сервис хизматлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида сервис хизматларини тартибга солиш механизмини халқаро стандартлар асосида техник хизмат кўрсатиш марказларининг бино-иншоотлари, техник воситалари, асбоб-ускуналари ҳамда тегишли малака сертификатига эга бўлган ходимларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқсан ҳолда тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 январь,
ПҚ-15-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

15

**Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни жадал
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Туризм хизматларини диверсификация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, мамлакатимизнинг мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига экологик туризмни ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш ва унга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш орқали тоғли ва чекка ҳудудлар, тоғли ва чўл минтақаларидаги аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромад манбанини кенгайтириш мақсадида:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар (қўриқхонага айлантирилган зоналар бундан мустасно), ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлари, тоғли ва чўл ҳудудлари ҳамда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зонарида (кейинги ўринларда — экоҳудудлар) жойлашган ер участкаларини комплекс туризм хизматларини йўлга қўйган холда туристик кластерлар ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъкуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

экоҳудудларда жойлашган ер участкалари уларнинг тоифаси ўзгартирилмаган холда туристик кластерлар ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали фаолият кўрсатиш муддатини кейинчалик узайтириш имконияти билан 10 йил муддатга ижарага берилади;

Экология вазирлигига экоҳудудларда ташкил этиладиган туристик кластерларнинг батафсил режалаштириш лойиҳалари ва мастер режаларини ишлаб чиқиш учун хорижий лойиҳа институтларини, шунингдек, маслаҳатчиларни жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

экоҳудудларда ташкил этиладиган туристик кластерларнинг батафсил режалаштириш лойиҳалари ва мастер режаларини ишлаб чиқиш учун лойиҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда бошқарувчи компаниялар хизматларига ҳақ тўлаш Экология жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

туристик кластерлар ҳудудидаги туристик обьектлар Экология, вазирлиги ҳамда Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган енгил ва тез қуриладиган конструкция ҳамда экологик тоза қурилиш материалларидан барпо этилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 январда эълон қилинган.

экохудудларда ташкил этиладиган туристик кластерларда туризм хизматлари инсон фаолиятининг атроф-мухитга салбий таъсирининг олдини олишни назарда тутувчи экохудудларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ кўрсатилади. Бунда, экохудудларни ривожлантириш дастурлари Экология вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

3. Қўйидагилар:

«Табиатга саёҳат» экотуризмни ривожлантириш миллий дастурини 1-иловага* мувофиқ;

Давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар (қўриқхонага айлантирилган зоналар бундан мустасно), ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлари, тоғли ва чўл худудлари ҳамда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида ташкил қилиниши мумкин бўлган фаолият (хизмат) турлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Давлат қўриқхоналари, питомниклар, миллий табиат боғлари ва ўрмон хўжаликларида экотуризм хизматлари йўлга қўйиладиган худудларнинг рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

Пляж ва сувда дам олиш туризм хизматлари ташкил этиладиган республикадаги йирик сув ҳавзалари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Замонавий талаблар асосида дор йўллари қурилиши режалаштирилган туман ва шахарлар рўйхати 5-иловага* мувофиқ;

Экологик туризм йўналишида фаолияти йўлга қўйиладиган истиқболли туристик кластер лойиҳаларининг манзилли рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов) икки ой муддатда экологик туризм йўналишида фаолияти йўлга қўйиладиган истиқболли туристик кластер лойиҳаларини амалга ошириш дастурини тасдиқласин.

5. Экология вазирлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга З-иловада кўрсатилган давлат қўриқхоналари буфер зоналари, питомниклар, миллий табиат боғлари ва ўрмон хўжаликларининг батафсил режалаштириш лойиҳалари ва мастер режаларини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда белгиланган муддатларда ишлаб чиқилишини таъминласин:

худуднинг мавжуд табиий ресурсларидан келиб чиқсан ҳолда туристик сўқмоқлар, селфи зона ва пикник зоналар, манзарали томоша қилиш майдончалари ва ҳайвонларни масофадан кузатиш имконини берувчи фототурларни ташкил қилиш худудларини белгилаш;

чиқиндиларни ташлаш ва экохудудда ўрнатиладиган йўл кўрсаткичлари нуқталарини белгилаш ҳамда экологик талабларга жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштириш;

кемпинг, глэмпинг, ўтов, экоўйлар ва бошқа турдаги жойлаштириш воситалари жойлашувини белгилаш;

экохудудларга кириш қисмida электромобиллар учун қувватлантириш станциялари, кўчма ресторанлари мавжуд бўлган автотураргоҳлар жойлашувини белгилаш;

* 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

экохудудларда мавжуд туризм хизматлари ва туристик салоҳият тӯғрисида маълумот олиш, экохудуднинг электрон туристик харитаси, сувенир маҳсулотлари савдоси ва бошқа хизматлар кўрсатадиган ташриф марказлари (visitor center) жойлашувини белгилаш.

6. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Экология вазирлиги билан биргаликда экохудудларда туристик кластерларни ташкил қилиш учун салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторлар хамда хорижий ва халқаро ташкилотларни, шу жумладан уларнинг грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда:

экохудудларда йўл-транспорт, коммунал ва туризм инфратузилмаларини куриш харажатларини хорижий инвесторлар маблағлари хисобидан қоплаш бўйича музокаралар ўтказилишини таъминласин;

салоҳиятли хорижий инвесторларга лойиҳа таклифлари (объектлари) тӯғрисида «Road-show» тақдимотлар ўтказесин;

ҳар чорақда хорижий инвесторлар билан ўтказилган музокаралар якуни бўйича ташаббускорлар, амалга ошириш муддатлари ва молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаган ҳолда туризм инфратузилмасини тезкор ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантириб борсин.

7. Экохудудларда ташкил этиладиган туристик кластерларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига ер участкасини ижарага беришда қўйидагилар назарда тутилсин:

экохудудларни ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

экохудуднинг экологик ҳолати ва туризмни ривожлантиришнинг барқарорлигини таъминлаш;

экохудудда ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондини сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

экологик талаблар асосида туризм хизматларини диверсификация қилиш ва хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига етказиш;

энергиянинг муқобил ва қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

экохудудга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли даромадларини ошириш;

инновацион ва замонавий туризм инфратузилмасини яратиш;

туризм хизматларини кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасида автоматлаштирилган маҳсус электрон дастур ёрдамида ахборот алмашинувини тизимли йўлга қўйиш орқали ташриф буюрувчилар оқимини кўпайтириш;

экохудуддаги туристик сўқмоқлар ва йўл кўрсаткичларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаб бориш;

янги туризм хизматларини (шу жумладан, Planting Tour, Plogging Tour ва бошқалар) ва экоакцияларни ташкил қилиб бориш;

экохудуднинг ишлаб чиқилган бренди асосида тарғибот дастурларини амалга ошириш;

экохудуднинг рекреацион салоҳиятини ошириш;

туристик кластерларнинг ташриф марказларида туристлар ҳисобини юритиб боришни таъминлаш.

8. Белгилансинки:

а) давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар ер участкаларини ва давлат мулки обьектларини ижарага беришдан тушган маблағлар қўйидагича тақсимланади:

50 фоизи — давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар ерларидан доимий фойдаланувчиларга;

10 фоизи — Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш марказига;

40 фоизи — Экология жамғармасига;

б) давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар, ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлари ҳудудига кириш учун тўловлардан тушган маблағлар қўйидагича тақсимланади:

30 фоизи — Экология жамғармасига;

30 фоизи — маҳаллий бюджетга;

40 фоизи — давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар, ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлари ерларидан доимий фойдаланувчиларга;

в) 2028 йил 1 январгача туристик кластерларда йўриқчи-йўл бошловчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатлари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

г) давлат буюртмачиларида харид жараёни очиқлигини таъминлаган холда ўз ходимлари учун саёҳатларни экохудудларга ташкил қилиш мақсадида туроператорлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра туристик маҳсулотларни харид қилишга рухсат берилади.

9. Экология вазирлиги:

а) «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳаси доирасида давлат қўриқхоналари буфер зоналари, миллий табиат боғлари, питомниклар (қўриқхонага айлантирилган зоналар бундан мустасно), ўрмон ва ўрмон-ов хўжаликлари, тоғли ва чўл ҳудудлари ҳамда сув обьектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналаридаги туристик кластерларда ташриф марказларини барпо қилиш ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда ушбу ҳудудларда туристик сўқмоқларни қуриш лойиҳаларини амалга оширсин;

б) 2024 йил 1 сентябрга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи «Табиатга саёҳат» электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини ишга туширсин:

экохудудлардаги туристик кластерлар электрон харитаси;

туристик кластерларнинг ташриф марказларида тақдим этиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу худудларга саёҳатни режалаштириш ва жойлаштириш воситалари ни олдиндан банд қилиш;

мавжуд тоғ ва ғорлар, туристик сўқмоқлар ҳамда уларнинг имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар.

Бунда, энг яхши таклифни билдирган тадбиркорлик субъектлари уларни танлаш асосида Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан жалб қилиниши мумкин.

10. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирiga:

экохудудларда туризм салоҳияти юқори бўлган туристик сўқмоқларни аниқлаш, улар бўйлаб яратиладиган инфратузилманинг (йўл кўрсаткичлари, кемпинг, дам олиш жойлари ва бошқа) жойлашувини белгилаш, шунингдек, уларнинг электрон харитасини ишлаб чиқиш учун маълумотлар шакллантиришга мутахассис ва маҳаллий аҳолини жалб қилиш;

ушбу қарорга 5-иловада белгиланган туман ва шаҳарларда автокемпинг лагерлари ташкил қилинадиган худудларни белгилаш ваколати берилсин.

11. Белгилансинки, туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2027 йил 1 январга қадар:

чўл худудларида рекреацион туристик хизматларни кўрсатувчи курорт зоналарини (тоифали меҳмонхоналар, SPA-меҳмонхоналар, санаторий ва пансионатлар) ташкил қилган тадбиркорлик субъектлари уч йил давомида фойда солиғини ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

чўл худудларида тематик хиёбонларни ташкил қилган юридик шахслар тематик хиёбонлар фойдаланишга топширилган кундан эътиборан уч йил давомида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги «Туризм йўналишидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-238-сон қарорининг 5-банди «ер солиғи» сўзларидан кейин «ҳамда фойда солиги» сўзлари билан тўлдирилсин.

13. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи тегишли норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 12 январь,
ПҚ-21-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING BUYRUG'I

16 Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlari tomonidan o'tkaziladigan sud ekspertizalarining murakkablik darajasini aniqlash tartibi va sud ekspertizalarini amalga oshirish muddatlarini tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
10-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3488*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-iyuldag'i PF-6256-son "O'zbekiston Respublikasida sud-ekspertlik tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 21-fevraldag'i 73-son "Sud ekspertizasi tadqiqotlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlari tomonidan o'tkaziladigan sud ekspertizalarining murakkablik darajasini aniqlash tartibi va sud ekspertizalarini amalga oshirish muddatlarini ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.
2. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 10-yanvar,
1-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-yanvarda e'lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 INVESTITSIYALAR, SANOAT VA SAVDO VAZIRLIGI
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING
 QARORI

17 “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihamalarini joylashtirish, klaster a'zolari (ishtirokchilari)ni ro'yxatdan o'tkazish va ularga guvohnomalarini berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3489

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 28-yanvardagi PQ-4574-sон “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasterini tashkil etish to'g'risida”gi qarori, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-iyundagi 339-son “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri faoliyatini yanada takomillashtirish hamda qurilish ishlarini jadallashtirish to'g'risida”gi qaroriga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligi **qaror qiladilar:**

- “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihamalarini joylashtirish, klaster a'zolarini (ishtirokchilarini) ro'yxatdan o'tkazish va ularga guvohnomalarini berish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
- Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi, O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil bilan kelishilgan.
- Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Sog'liqni saqlash vaziri

A. INOYATOV

Toshkent sh.,
 2023-yil 22-dekabr,
 11-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 11-yanvarda e'lon qilingan.

**Investitsiyalar, sanoat
va savdo vaziri**

L. KUDRATOV

Toshkent sh.,
2023-yil 20-dekabr,
2023/31-10-son

**Davlat aktivlarini boshqarish
agentligi direktori**

A. ORTIKOV

Toshkent sh.,
2023-yil 15-dekabr,
01/14-07-2/30-son

Kelishildi:

Soliq qo'mitasi raisi

Sh. KUDBIYEV

2023-yil 29-noyabr

*O'zbekiston Savdo-sanoat
palatasi raisi*

D. VAXABOV

2023-yil 23-noyabr

*Tadbirkorlik subyektlarining
huuqqlari va qonuniy manfaatlarini
himoya qilish bo'yicha vakil*

D. KASIMOV

2023-yil 24-noyabr

O'zbekiston Respublikasi
 Sog'liqni saqlash vazirligining 2023-yil
 22-dekabrdagi 11-son, Investitsiyalar, sanoat
 va savdo vazirligining 2023-yil 20-dekabrdagi
 2023/31-10-son hamda Davlat aktivlarini
 boshqarish agentligining 2023-yil 14-dekabrdagi
 01/14-07-2/30-son qaroriga
 ILOVA

**"Tashkent Pharma Park" innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish
 farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihalarini
 joylashtirish, klaster a'zolari (ishtirokchilari)ni ro'yxatdan
 o'tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to'g'risidagi
 NIZOM**

Ushbu Nizom "Tashkent Pharma Park" innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri (bundan buyon matnda Klaster deb yuritiladi) hududida investitsiya loyihalarini joylashtirish, Klaster a'zolari (ishtirokchilari)ni ro'yxatdan o'tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

investitsiya loyihasi — iqtisodiy, ijtimoiy va boshqa foyda olish uchun investitsiyalarni amalga oshirishga yoxud jalb etishga qaratilgan, o'zaro bog'liq bo'lgan tadbirlar majmui;

loyiha tashabbuskorি — Klaster hududida chet el investitsiyalari, o'z mablag'lari va/yoki bank kreditlari hisobiga investitsiya loyihasini amalga oshirish tashabbusi bilan murojaat qilgan yuridik shaxs;

klaster a'zosi (ishtirokchisi) — Klaster a'zosi (ishtirokchisi) guvohnomasi va Klaster a'zosi (ishtirokchisi) maqomini olgan yuridik shaxs.

2. Klaster hududida amalga oshirish uchun taklif etiladigan investitsiya loyihalariga doir talablarga quyidagilar kiradi:

arxitektura va qurilish, texnik jihatdan tartibga solish, ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish, mehnatni muhofaza qilish hamda sanoat xavfsizligi sohasidagi qonunchilik talablariga muvofiqlik;

moliyalashtirish manbalarining mavjudligi;

ushbu Nizomning 3-bandida belgilangan faoliyat yo'nalishlariga muvofiqligi;

texnologik uskunalar va texnologik jarayonlar ko'rsatkichlarining zamонави energiya samaradorligi talablariga muvofiqligi.

3. Klaster hududiga quyidagi yo'nalishdagi investitsiya loyihalari joylashtirilishi mumkin:

innovatsion va yuqori sifatli dori vositalarini ishlab chiqarish;

tibbiy buyumlar ishlab chiqarish;

tibbiy texnika ishlab chiqarish;

farmatsevtika mahsulotlarini zamонави va innovatsion usulda saqlash, tashish va logistikasi.

4. Klaster hududida investitsiya loyihalarini joylashtirish bo'yicha tashkilij masalalar "Tashkent Pharma Park" innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasterini rivojlantirish direksiyasi (bundan buyon matnda Direksiya deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

2-bob. Investitsiya buyurtmanomasini berish

5. Loyiha tashabbuskori Klaster hududida investitsiya loyihasini amalga oshirish uchun investitsiya buyurtmanomasini Direksiyaga qog'oz yoki elektron shaklda taqdim etadi.

Investitsiya buyurtmanomasiga quyidagilar ilova qilinadi:

yuridik shaxs ustavining va yuridik shaxs davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnomaning ko'chirma nusxalari (yuridik shaxs uchun);

mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq shakldagi investitsiya loyihasining biznes-rejasi;

investitsiya bitimining loyihasi.

6. Investitsiya buyurtmanomasida yuridik shaxsga berilgan soliq to'lovchining identifikatsiya raqami ko'rsatiladi, chet el yuridik shaxsi uchun esa tegishli chet davlatning qonunchiligiga muvofiq soliq to'lovchi identifikatsiya raqamining o'xhashi ko'rsatiladi. Investitsiya buyurtmanomasida loyiha tashabbuskorining yer uchastkasini elektron onlayn-auksionga qo'yish chog'idagi boshlang'ich narx haqidagi, shuningdek har yilgi ijara to'lovi miqdori haqidagi takliflari ham nazarda utilishi mumkin.

7. Chet el yuridik shaxslari mazkur Nizomning 5-bandni uchinchi xatboshisida ko'rsatilgan, chet el yuridik shaxsi chet davlatning qonunchiligiga binoan yuridik shaxs ekanligini tasdiqlovchi legallashtirilgan hujjatlarning davlat va ingliz tiliga qilingan tarjimasini notarial tartibda tasdiqlangan holda taqdim etadi.

Chet el yuridik shaxslari tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni legallashtirish talab qilinmaydi, agar:

mazkur Nizomning 5-bandni uchinchi xatboshisida ko'rsatilgan hujjatlarga apostil qo'yilgan bo'lsa;

hujjatlar shartlashayotgan taraflardan birining hududida tayyorlanganligi yoxud muassasa yoki maxsus vakolat berilgan shaxs tomonidan ularning vakolati doirasida va belgilangan shaklda tasdiqlanganligi O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalarida belgilangan bo'lsa, bu hujjatlar boshqa shartlashuvchi taraflarning hududlarida maxsus guvohnomasiz qabul qilinadi.

3-bob. Investitsiya buyurtmanomasini ekspertiza qilish

8. Direksiyaga kelib tushgan investitsiya buyurtmanomasi o'sha kunning o'zida, ish vaqtiga tugaganidan keyin kelib tushgan bo'lsa, keyingi ish kuni ro'yxatdan o'tkaziladi.

9. Investitsiya buyurtmanomasi va unga ilova qilingan hujjatlarni ekspertiza qilish va qaror qabul qilish muddati o'n kunni tashkil etadi. Ekspertiza jarayonida investitsiya loyihasini amalga oshirishning iqtisodiy jihatdan maqsadga muvofiqligi,

* 1-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

shuningdek uning ilg'or texnologiyalarni jalg qilish, innovatsiyalarni tatbiq etish darajasi va ishlab chiqarishning raqobatbardoshliligi aniqlanadi.

Direksiya ekspertiza qilishda investitsiya loyihasining quyidagi mezonlarga muvofiqligini o'rghanadi:

loyiha oldi hujjatlarini ishlab chiqish jarayonida loyiha tashabbuskori tomonidan qo'yilgan maqsad va belgilangan vazifalarning aniqligi va asoslantirilganligi;

mazkur Nizomning 2-bandida nazarda tutilgan talablarga muvofiqligi;

investitsiya loyihasini amalga oshirishning ijtimoiy ahamiyati va maqsadga muvofiqligi;

investitsiya loyihasi asosida taklif qilinayotgan mahsulot yoki xizmatga nisbatan talab mavjudligi yoki bunday talabning kelajakda shakllanishi ehtimoli;

investitsiya loyihasining moliyaviy-iqtisodiy samaradorligi va o'zini oqlashi.

10. Ekspertizani o'tkazish yakunlariga ko'ra investitsiya buyurtmanomasi va unga ilova qilinadigan hujjatlar Direksiya tomonidan qaytarish sabablari asoslantirilgan holda loyiha tashabbuskoriga kamchiliklarni bartaraf etish uchun qaytarilishi mumkin. Loyerha tashabbuskori qaytarish uchun asos bo'lgan sabablarni bartaraf etganidan keyin tuzatilgan hujjatlar takroriy ekspertiza qilish uchun kiritiladi.

11. Investitsiya buyurtmanomasini va unga ilova qilinadigan hujjatlarni takroriy ekspertiza qilish muddati besh kunni tashkil etadi.

Bunda, avval ekspertiza qilingan hujjatlar yangi asoslar bo'yicha rad etilishiga yo'l qo'yilmaydi.

12. Direksiya tomonidan investitsiya buyurtmanomasi va unga ilova qilingan hujjatlarni ekspertiza qilish yakunlari bo'yicha ijobiy yoki salbiy xulosa beriladi.

13. Direksiya tomonidan investitsiya loyihasi bo'yicha quyidagi hollarda salbiy xulosa beriladi:

investitsiya loyihasining biznes-rejasi mazkur Nizomning 1-ilovasida ko'rsatilgan shaklga mos kelmasa;

mazkur Nizomning 2-bandida belgilangan talablarga muvofiq bo'lmasa;

investitsiya loyihasida ishlab chiqarish taklif qilinayotgan mahsulotga nisbatan talab mavjud bo'lmasa;

investitsiya loyihasi Klaster faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlar talablariga muvofiq bo'lmasa;

ilgari shunga o'xhash investitsiya loyihasi bo'yicha qaror qabul qilingan bo'lsa;

loyiha tashabbuskori tomonidan yer uchastkasining kerakli maydoni asoslantirilmagan bo'lsa;

investitsiya loyihasini amalga oshirish hamda ishlab chiqarishning barqaror faoliyat yuritishi uchun zarur bo'lgan infratuzilma va muhandislik inshootlari (elektr energiyasi, tabiiy gaz, ichimlik va texnik suv, kanalizatsiya, avtoyo'l) hajmi oshkor etilmagan bo'lsa.

Ushbu bandning ikkinchi — sakkizinchisi xatboshilarida ko'rsatilgan salbiy xulosa berish uchun asos bo'ladigan holatlar mavjud bo'lmasa taqdirda, Direksiya tomonidan investitsiya loyihasi bo'yicha ijobiy xulosa beriladi.

14. Direksiyaning xulosasi uning rahbari tomonidan imzolanadi hamda ijobiy

xulosa imzolangan kundan boshlab bir kun ichida investitsiya buyurtmanomasi va unga ilova qilingan hujjatlar bilan birgalikda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog‘ini rivojlantirish agentligiga (bundan buyon matnda Agentlik deb yuritiladi) yuboriladi.

15. Direksiya salbiy xulosa qabul qilgan kundan boshlab bir kun ichida investitsiya buyurtmanomasi, unga ilova qilingan hujjatlar va xulosani loyiha tashabbuskoriga yuboradi.

Loyiha tashabbuskori investitsiya loyihasini qayta ishlagandan so‘ng investitsiya buyurtmanomasini Direksiyaga takroran taqdim etishi mumkin. Bunda, takroran taqdim etilgan investitsiya buyurtmanomasi umumiy asoslarda ko‘rib chiqiladi.

4-bob. Investitsiya buyurtmanomasini ekspertiza qilish natijasi bo‘yicha qaror qabul qilish

16. Direksiya tomonidan investitsiya buyurtmanomasi ekspertiza qilish yakunlari bo‘yicha ijobiy xulosa berilganida Agentlik tomonidan Klaster hududida investitsiya loyihasi amalga oshirish to‘g‘risida qaror qabul qilinadi. Agentlik qarori bayonnomaga bilan rasmiylashtiriladi.

17. Bayonnomadan ko‘chirma investitsiya buyurtmanomasini bergen loyiha tashabbuskoriga bayonnomaga tasdiqlangan kundan e’tiboran bir kun ichida Direksiya tomonidan yuboriladi.

18. Agentlikning Klaster hududida investitsiya loyihasini amalga oshirish to‘g‘risidagi qarori quyidagilar uchun asos bo‘ladi:

investitsiya buyurtmanomasida ko‘rsatilgan investitsiya loyihasini amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan yer uchastkasini elektron-onlayn auksionga qo‘yish; elektron-onlayn auksion g‘olibi bilan investitsiya bitimini tuzish; loyiha tashabbuskoriga yer uchastkasini ijaraq berish.

19. Agentlikning qarorlari bilan ma‘qullangan investitsiya buyurtmanomalarida belgilangan hajmlardagi yer uchastkalari Direksiya tomonidan elektron onlayn-auksionga chiqariladi. Bunda, yer uchastkasini auksionga chiqarishni boshqa tashkilotlar bilan kelishish, shu jumladan “YERELEKTRON” avtomatlashtirilgan axborot tizimiga kiritish talab etilmaydi.

5-bob. Klaster a’zolarini (ishtirokchilarini) ro‘yxatdan o‘tkazish va ularga Klaster a’zosi (ishtirokchisi) guvohnomasini berish

20. Investitsiya bitimi yer uchastkalarini ijaraq berish bo‘yicha elektron onlayn-auksion g‘olibi aniqlanganidan keyin loyiha tashabbuskori va Direksiya direktori tomonidan uch ish kuni ichida imzolanadi. Investitsiya bitimi investitsiya loyihasida bayon etilgan shartlar, muddatlar va tartib-taomillarga muvofiq tuziladi.

21. Direksiya investitsiya bitimi imzolanganidan keyin shu kunning o‘zida loyiha tashabbuskorini Klaster a’zoli (ishtirokchilari) reyestriga kiritadi va unga mazkur Nizomning 2-ilovasi* bilan tasdiqlangan shaklda Klaster a’zosi (ishtirokchisi) guvohnomasini beradi.

* 2-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

22. Direksiya loyiha tashabbuskorini Klaster a'zolarining (ishtirokchilarining) reyestriga kiritganidan keyin bir kun ichida bu haqida tegishli soliq, bojxona va statistika organlarini xabardor qiladi.

6-bob. Klaster a'zosi (ishtirokchisi) maqomidan mahrum qilish

23. Loyiha tashabbuskori quyidagi hollarda Klaster a'zosi (ishtirokchisi) maqomini yo'qotadi:

Klaster a'zosi (ishtirokchisi) ushbu Nizomning 3-bandida belgilangan faoliyat turlaridan boshqa faoliyat bilan shug'ullanganda;

Klaster a'zosi (ishtirokchisi) bo'lgan yuridik shaxs tugatilganda (faoliyati tugatilganda);

Klaster a'zosining (ishtirokchisining) joylashgan joyi o'zgarib, yangi joylashgan joyi Klaster hududidan tashqarida bo'lgan taqdirda;

Klaster a'zosi (ishtirokchisi) investitsiya bitimi bo'yicha majburiyatlarini bajarmaganda;

Klaster a'zosining (ishtirokchisining) arizasiga asosan;

Klaster a'zosi (ishtirokchisi) qayta tashkil etilgan taqdirda, bundan soliq va bojxona to'lovlari bo'yicha bir xil imtiyozlarga ega bo'lgan Klaster a'zolari (ishtirokchilari) o'rtaida amalga oshiriladigan qo'shib yuborish yoki qo'shib olish mustasno.

24. Klaster a'zosini (ishtirokchisini) maqomidan mahrum qilish to'g'risidagi qaror Agentlik tomonidan Direksiya taqdimiga binoan qabul qilinadi.

25. Ushbu Nizom 23-bandining ikkinchi va beshinchi xatbosisida nazarda tutilgan asos bo'yicha loyiha tashabbuskorining Klaster (a'zosi) ishtirokchisi maqomini yo'qotganligi to'g'risidagi qaror ustidan sud tartibida shikoyat qilinishi mumkin.

26. Agentlikning qaroriga muvofiq Direksiya Klaster a'zosi (ishtirokchisi) bilan investitsiya bitimini bekor qiladi va uni Klaster a'zolari (ishtirokchilari)ning reyestridan chiqaradi.

27. Direksiya Klaster (a'zosi) ishtirokchisi Klaster a'zolari (ishtirokchilari) ning reyestridan chiqarilganidan keyin bir kun ichida bu haqida Klaster a'zosini (ishtirokchisini), soliq, bojxona va statistika organlarini xabardor qiladi.

28. Loyiha tashabbuskorining Klaster a'zosi (ishtirokchisi) maqomini yo'qotishi soliq va bojxona to'lovlari bo'yicha imtiyozlarning bekor qilinishiga olib keladi.

7-bob. Yakuniy qoidalar

29. Direksiya va Agentlik o'z faoliyatini amalga oshirishi natijasida olingan ma'lumotlarning sir saqlanishini ta'minlaydi.

30. Loyiha tashabbuskori Direksiya va Agentlik xodimlarining xatti-harakatlari yuzasidan qonunchilikka muvofiq shikoyat qilishi mumkin.

31. Ushbu Nizom talablarini buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjalarda belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING
BUYRUG'I

18 “Tadbirkorlik subyektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazishda ularga elektron raqamli imzo kalitlarini berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
10-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2349-1*

O‘zbekiston Respublikasining “Elektron raqamli imzo to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2012-yil 5-martdagi 5-yu-son “Tadbirkorlik subyektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazishda ularga elektron raqamli imzo kalitlarini berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2349, 2012-yil 5-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-yil, 14-son, 160-modda) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasi va O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Sh. ShERMATOV

Toshkent sh.,
2023-yil 26-dekabr,
262-mh-son

Kelishildi:

Soliq qo‘mitasi raisi

Sh. KUDBIYEV

2023-yil 18-dekabr

*O‘zbekiston Savdo-sanoat
palatasi raisi*

D. VAXABOV

2023-yil 12-dekabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 29-yanvarda e’lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

19 Саноат намунасига патент бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раҳами 3490*

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

- Саноат намунасига патент бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
- Айрим идоравий норматив-хукуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
- Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 11 январь,
2-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2024 йил 11 январдаги
2-мҳ-сон бўйруғига
1-ИЛОВА

**Саноат намунасига патент бериш учун талабномани тузиш,
топшириш ва кўриб чиқиш
КОИДАЛАРИ**

Мазкур Коидалар саноат намунасига патент бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Коидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Конун — Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Конуни;

Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Апелляция кенгаши — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк обьектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши;

Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси;

талабнома — саноат намунасига патент бериш учун талабнома;

СНХК — Саноат намуналарининг халқаро классификацияси;

БИМТ — Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти;

Париж конвенцияси — Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси учун амалдаги таҳрири;

Конвенция талабномаси — Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига аъзо бўлган бошқа мамлакатда топширилган талабнома;

МЎТ — машинада ўқиши мумкин бўлган ахборот ташувчи.

2-боб. Саноат намунасига патент олиш учун талабномани тузиш ва топшириш. Талабнома топшириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

1-§. Саноат намунасига патент олиш учун талабнома

2. Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради. Буюм деганда саноат ёки ҳунармандчилик ишлаб чиқарилишидаги исталган буюм, хусусан қисмлардан иборат бўлган буюм, буюмни йиғиш учун мўлжалланган мустақил компонентлар тушунилади.

Буюмнинг бадиий-конструкторлик ечими буюмнинг ташқи кўринишидаги алоҳида хусусиятларни белгилайдиган муҳим аломатлар мажмуи билан таърифланади.

Буюмнинг ташқи кўринишини материалнинг шакли, контурлари, чизиклари, рангларнинг ўзаро бирикуви, текстураси ёки фактураси, декори, шу жумладан орнаменти ташкил қиласди.

3. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у хукукий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг (буюмнинг, макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим аломатлари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда муҳим аломатлар деб юритилади) мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

4. Саноат намуналарини таърифлаш учун қўйидаги аломатлардан фойдаланилади:

- а) асосий композицион элементларининг мавжудлиги, таркиби ва микдори;
- б) асосий элементларнинг шакли ва конфигурацияси;
- в) асосий элементларнинг ўзаро жойлашуви ва тенг бўйсуниши;
- г) асосий элементларнинг пластик таърифи;
- д) ушбу элементларнинг график, ранг-фактура ва колористик ечими хусусиятлари;
- е) материали.

5. Саноат намуналари ҳажмли ёки яssi бўлиши мумкин.

Ҳажмли саноат намуналари ўзида уч ўлчамли композиция, ҳажмли-фазовий тузилмани намоён қиласди (масалан, қишлоқ хўжалик машинаси, мотор, телефон аппарати ва бошқаларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган бадиий-конструкторлик ечимлар).

Яssi саноат намунаси ўзи билан икки ўлчамли тузилмали композицияни ифодалайди, элементларнинг ўзаро чизиқли-график нисбати билан таърифланади ва деярли ҳажмга эга бўлмайди (масалан, гилам, рўмол, мато ва бошқаларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган бадиий-конструкторлик ечимлар).

6. Талабнома битта саноат намунасига тааллуқли бўлиши керак ва ушбу саноат намунасининг варианatlарини ичига олиши мумкин (бирлик талаби).

Саноат намунасининг варианtlари деганда буюмнинг бир хилдаги алоҳида хусусиятларини белгилайдиган муҳим аломатлар мажмуи бўйича фарқларадиган айнан битта буюмнинг (комплект, тўплам) бадиий-конструкторлик ечими тушунилади.

Битта саноат намунаси деганда ягона буюмнинг ёки умумий вазифага эга бўлган буюмлар мажмуасининг (тўплам) (масалан, мебель, сервис) бадиий-конструкторлик ечими тушунилади.

Ягона буюм деганда бутун бир буюм (масалан, автомобиль), шунингдек бутун бир буюмнинг бирон-бир қисми бўлган буюм (масалан, бамфер, фара) тушунилади.

7. Қонуннинг 8-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ, қўйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

- а) матбаба маҳсулотлари;
- б) архитектура обьектлари (кичик архитектура шаклларидан ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;
- в) суюқ, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги обьектлар;
- г) буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;
- д) жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

8. Қонуннинг 17-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, саноат намунаси ҳақидаги талабнома қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- а) саноат намунасининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги ариза;
- б) буюмнинг ташқи қўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвиirlар туркуми, макет ёки расм;
- в) агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий қўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитаси;
- г) саноат намунасининг ундаги муҳим аломатлар мажмuinи акс эттириган тавсифи.

9. Талабнома берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланади ёки талабномага давлат божини тўлашдан озод қилиш, унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари томонидан давлат божи тўланганлиги Вазирлик томонидан қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан талабномага Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати илова қилинади.

10. Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

Патент вакили ёхуд бошқа ишончли шахс орқали берилаётган талабномага, унга талабнома берувчи томонидан берилган ишончнома илова қилинади.

11. Конвенция устуворлиги сўралган талабномага талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо бўлган давлатда берилган биринчи талабноманинг нусхаси (бундан буён матнда биринчи талабнома деб юритилади) ва бу талабноманинг давлат тилидаги таржимаси илова қилиниб улар конвенция талабномаси келиб тушган санадан эътиборан уч ой муддатдан кечикирилмай Вазирликка топширилади.

Конвенция устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома, талабномани топширишда (патент бериш тўғрисидаги аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки талабнома Вазирликка келиб тушган санадан эътиборан икки ой муддат ичидаги топширилиши мумкин.

Биринчи талабнома берилган санадан эътиборан олти ой муддат ўтгач, бироқ ушбу муддат ўтгандан сўнг икки ойдан кечиктирмай талабнома берувчидан келиб тушган талабнома бўйича Конвенция устуворлиги сўралганда, талабномага белгиланган олти ойлик муддат ичидаги талабнома топширишга тўсқинлик қилган ва талабнома берувчига боғлик бўлмаган вазиятлар кўрсатилган, агар ушбу вазиятлар Вазирликка маълум деб ўйлашга асос бўлмаса, уларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжат илова қилинади.

Конвенция устуворлигини сўраш муддатини узайтириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

12. Ушбу Қоидаларнинг 8-бандида кўрсатилган талабнома материаллари Вазирликка давлат тилида топширилади. Агар талабнома материаллари хорижий тилда тузилган бўлса, талабнома Вазирликка тақдим этилган санадан эътиборан икки ой муддат ичидаги уларнинг давлат тилидаги таржимаси тақдим этиллади. Бунда, талабнома материалларининг давлат тилидаги таржимаси талабнома Вазирликка келиб тушган санадан эътиборан тақдим этилган деб ҳисобланади.

2-§. Талабнома материалларининг мазмуни

13. Патент бериш тўғрисидаги ариза давлат тилида, ушбу Қоидаларга 1-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ топширилади. Агар бирон-бир маълумотни аризанинг тегишли графаларида тўлиқ акс эттиришнинг имкони бўлмаса, ушбу маълумот шу шаклдаги қўшимча варақда аризанинг тегишли графасида «давомини қўшимча варақда кўринг» деб кўрсатилган холда келтирилади.

Хорижий исм-фамилиялар ва корхоналарнинг номлари давлат тилидаги транслитерацияда кўрсатилади. Талабнома берувчининг номи (имкони бўлганда) ва саноат намунасининг номи аризада давлат тилида кўрсатилади.

14. Аризанинг юқори чап томонида жойлашган графалар талабнома материаллари Вазирликка келиб тушгандан кейин реквизитларни киритиш учун мўлжалланган бўлиб, улар талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди.

15. «Ёзишмалар учун манзил» графасида почта индекси, хат олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки номи, телефон, факс рақамлари, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Ёзишмалар учун манзил сифатида Ўзбекистон Республикасида яшовчи талабнома берувчи — жисмоний шахснинг турар жойи манзили, талабнома берувчи — юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида жойлашган жойи ёхуд Вазирликда рўйхатдан ўtkazilgan патент вакилининг (ишончли шахснинг) манзили кўрсатилиши мумкин. Аризада ёзишмалар учун манзил кўрса-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тилмаган бўлса, патент вакилининг (ишончли шахснинг) жойлашган манзили ёзишмалар учун манзил ҳисобланади.

16. (54)-код остидаги «Саноат намунасининг номи» графасида талабнома берилган саноат намунасининг номи келтирилади ва у саноат намунаси тавсифида келтирилган номга мос бўлиши керак.

17. (71)-код остидаги «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи (талабнома берувчилар) тўғрисидаги маълумотлар, хусусан жисмоний шахснинг фамилияси, исми (отасининг исми) (бунда, фамилия исмдан аввал кўрсатилади), юридик шахснинг расмий номи, шунингдек тураг/жойлашган жойи, шу жумладан мамлакатнинг расмий номи ва почта манзили ҳамда БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (мавжуд бўлса) тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Агар талабнома берувчилар сони бир неча бўлса, ушбу маълумотлар уларнинг ҳар бири бўйича келтирилади.

Саноат намунасининг муаллифлари бўлган талабнома берувчиларнинг тураг жойлари тўғрисидаги маълумотлар (71)-код остидаги «Талабнома берувчи» графасида келтирилмайди ва улар аризанинг (72)-код остидаги «Муаллиф(лар)» графасида баён этилади. Ушбу графанинг тегишли катақчасида «Х» белгисини кўйган ҳолда талабнома берувчининг жисмоний ёки юридик шахс эканлиги, шунингдек саноат намунасининг муаллифи, муаллифнинг иш берувчиси ёки хуқук вориси эканлиги белгиланади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари учун Корхона ва ташкилотнинг умумдавлат таснифи коди (КТУТ коди) (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи (жойлашган) чет эллик жисмоний шахслар (юридик шахслар) учун БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

18. Устуворликни белгилаш тўғрисидаги илтимосни ўз ичига олган графа, талабнома Вазирликка тақдим этилган санадан олдинги устуворлик сўралган ҳолда тўлдирилади.

Бунда, тегишли катақчаларда «Х» белгисини кўйиб чиқиши орқали устуворлик сўраш учун асослар белгиланади ва илгарироқ берилган талабномаларнинг рақамлари, улар асосида ёки уларга қўшимча материаллар асосида устуворлик сўралади ва сўраклаётган устуворлик санаси кўрсатилади.

Конвенция устуворлиги сўраклаётганда (33)-код остида БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича биринчи талабнома тақдим этилган мамлакат коди кўрсатилади.

19. (74)-код остидаги «Патент вакили» графаси талабнома берувчи томонидан талабнома топширилгунга қадар патент вакили тайинланган ҳолларда тўлдирилади ва унда патент вакилининг фамилияси, исми (отасининг исми) ҳамда Вазирликдаги рўйхат рақами келтирилади.

«Патент вакилининг манзили» графасида патент вакилининг почта индекси кўрсатилган манзили, фамилияси, исми, отасининг исми ёки номи, телефон, факс рақамлари, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) келтирилади.

20. Аризанинг иккинчи саҳифасидаги «Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати» графаси тегишли катақчаларда «Х» белгисини кўйиб чиқиши орқа-

ли ва илова қилинаётган хужжатлардаги вараклар сони кўрсатилган ҳолда тўлдирилади. Тури талабнома шаклида кўзда тутилмаган илова қилинаётган хужжатларнинг («бошқа хужжат») аниқ мақсади кўрсатилади.

21. (72)-код остидаги «Муаллиф(лар)» ва «Тўлиқ уй манзили» графалирида саноат намунасининг муаллифи (муаллифлари) тўғрисида маълумотлар, хусусан фамилияси, исми (отасининг исми), лавозими, илмий даражаси ва иш жойи, почта манзили, шу жумладан мамлакат номи ва унинг БИМТ ST.3 стандарти бўйича коди келтирилади.

22. «Муаллифлар» ва «Тўлиқ уй манзили» графалари остида жойлашган графа, агар муаллиф (муаллифлар) патент бериш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишда уни (уларни) кўрсатиб ўтмасликни сўраса тўлдирилади.

23. Аризанинг охирги «Имзо» графасини имзо қўйиш куни санасини кўрсатган ҳолда тўлдириш барча ҳолларда мажбурий ҳисобланади. Ариза талабнома берувчи томонидан имзоланади. Юридик шахс томонидан ариза ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади.

Талабнома патент вакили ёки ишончли шахс орқали берилганда, ариза патент вакили ёки ишончли шахс томонидан имзоланади. Имзолар имзо қўювчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми бош ҳарфларда кўрсатилган ҳолда қўйилади. Кўшимча варакда имзо қўйишни талаб этадиган маълумотлар келтирилган ҳолларда, кўшимча варак ҳам шундай тартибда имзоланади.

Талабнома берувчининг ёки патент вакилининг ёхуд ишончли шахснинг имзоси ҳар бир қўшимча варакда қўйилиши мажбурий ҳисобланади.

24. Буюм ташки кўринишининг тасвири талабнома берилган саноат намунаси тўғрисидаги барча ахборотларни ўз ичига олиши керак. Тасвирлар буюмнинг ташки кўриниши тўғрисида тўлиқ тасаввур бериши, унинг барча элементларини, шу жумладан муҳим аломатлари рўйхатида келтирилган элементларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Қонуннинг 5-моддасига мувофик, саноат намунасининг патенти таъминлайдиган ҳуқукий муҳофаза ҳажми буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси билан белгиланади.

25. Талабнома ҳажмли саноат намунаси учун буюмнинг олд томондан 3/4 ракурсдаги умумий кўриниши тасвирини ўз ичига олиши, шунингдек буюм тасвирларининг кўриниши (масалан, олдидан, орқадан, чапдан, ўнгдан, юкоридан, пастдан) буюм ташки кўриниши хақида тўлиқ тасаввур бериши лозим.

Тикувчилик саноати буюмлари (ясси саноат намунаси) учун тасвирнинг олддан ва орқадан кўриниши (зарур бўлганда манекенда) етарли бўлади.

Буюмлар жамланмаси (тўплами) умумий кўринишдаги тасвирларда тўлалигича, яъни жамланмага (тўпламга) кирадиган барча буюмлар билан бирга бўлган ҳолатда тақдим этилиши, шунингдек жамланмага (тўпламга) кирадиган ҳар бир буюм қўшимча равишда алоҳида тасвирда келтирилиши лозим. Буюмлар жамланмаси (тўплами) тўлиқ таркибда умумий кўринишдаги битта тасвирда тақдим этилиши мумкин бўлмаган алоҳида ҳолларда, жамланма

(тўплам) фрагментларини алоҳида тасвирларда тақдим этилишига йўл қўйилади.

Ёпилиши, йиғилиши, трансформацияланиши мумкин бўлган буюмлар ушбу буюмларнинг очик кўринишидаги (масалан, музлатгич, кир ювиш машинаси) ёки йигилган кўринишидаги (масалан, ошхона комбайнлари, чанг ютичлар) тасвирларда тақдим этилиши лозим.

26. Ранг-график (бадиий-колористика) ечими саноат намунасининг муҳим аломатларидан бири бўлган ҳолларда, ушбу Қоидаларнинг 25-бандида кўзда тутилган барча тасвирлар рангли ҳолда тақдим этилиши лозим.

27. Саноат намунасининг тасвирлари аниқ кўринадиган ва ёрқин бўлиши лозим. Саноат намунасининг тасвирларидаги алоҳида деталлар, нафақат ёритилган томонларда, балки соя томонларда ҳам аниқ кўриниши лозим. Буюм бир текис ёритилган ҳолда, бегона предметларсиз нейтрал фонда тасвирлаши лозим.

28. Саноат намунасининг тасвирлари А4 форматдан катта бўлмаган ўлчамда бўлиши керак. Ташқи ўлчамлари бўйича унча катта бўлмаган буюмлар (масалан, кўл (чўнтак) соатлари, микрокалькуляторлар, чўнтак ўт олдиргичлари) учун 9 x 12 см дан кичик бўлмаган ўлчамдаги кичик форматли тасвирлар тақдим этилиши мумкин.

29. Тасвирлар умумий кўриниш, бошка кўринишлар, рангли тасвир, энг яқин аналогнинг тасвири тартибида рақамланади. Бир кўринишдаги тасвирлар битта рақам остида келтирилади.

30. Тасвирларни ўз ичига олган варақларнинг олд томонида (фотосурат учун орқа томон) тасвир рақами, саноат намунасининг номи кўрсатилади, шунингдек «умумий кўриниши», «ёнидан кўриниши», «олдидан кўриниши», «орқадан кўриниши», «юқоридан кўриниши» ҳамда вариантлар учун эса «1-вариант», «2-вариант» изоҳлари кетма-кет келтирилади.

Энг яқин аналог сифатида танлаб олинган буюм тасвири учун тасвир рақами ва буюм номидан ташқари, «энг яқин аналог» деган изоҳ берилиши керак.

31. Саноат намунасининг тавсифи буюмнинг тасвирларда акс эттирилган ташқи кўринишини сўзлар билан очиб бериши лозим.

32. Саноат намунасининг тавсифи саноат намунасининг номини кўрса-тишдан бошланиб, талабнома берилган саноат намунаси мансуб бўлган СНХКнинг амалдаги таҳрири рубрикаси аниқланган ҳолда бу рубриканинг индекси келтирилади ва қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- саноат намунасининг вазифаси ва қўлланиш соҳаси;
- саноат намунасининг аналоглари;
- саноат намунаси ифодаланган тасвирлар ва тақдим этилган бошка материаллар рўйхати (масалан, чизма, эргономик схема, конфекцион карта);
- саноат намунасининг моҳияти;
- саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуи.

33. Саноат намунасининг номи аниқ, қисқа ва конкрет бўлиши, саноат намунасининг муҳофаза ҳажмига, СНХК ва соҳага оид умумэтироф этилган терминологияга мос бўлиши лозим. Саноат намунасининг номи буюмнинг

вазифасини ва бажарадиган функциясини (масалан, «Антенна», «Зичлик ўлчагич», «Трактор») ифодалаши лозим.

Саноат намунаси номи буюмнинг фойдаланиш соҳасини кўрсатиши, ўз турига доир тушунчани ифодалаши лозим (масалан, «қишлоқ хўжалиги пахта териш машинаси»).

Саноат намунаси номида буюм вазифасининг ўзига хос хусусиятлари ифодаланган сўз ёки сўзлар бирикмаси бўлса (масалан, «маккажўхорини ўриб олиш учун»), у туркум ва/ёки тур тушунчаларидан (масалан, «қўл ўроқ машинаси») олдин кўрсатилади. Бунда, саноат намунасининг тўлиқ номи «маккажўхорини ўриб олиш учун қўл ўроқ машинаси» бўлади.

Саноат намунасининг номига рекламага қаратилган сўзлар, шахсий исмлар, ахлоққа зид номлар, аббревиатуралар, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг сўзли белгилари, фирма номлари, товар келиб чиқкан жой номлари, «ва ҳ.к.» сўзлари ва саноат намунасини идентификация қилишга хизмат қилмайдиган шунга ўхшаш сўзлар ҳамда маҳаллий ва жаргон атамалар киритилмайди.

Саноат намунасининг номи бирлик сонда келтирилади. Бирлик сонда ишлатилмайдиган номлар (масалан, «сувенир шахмат доналари»), жуфт буюмларнинг номлари ҳакида сўз юритилаётган ҳолларда сифатловчи сўзлар (масалан, «болалар уй пойафзали») кўпликда ишлатилади.

Агар талабнома саноат намунасининг вариантиларига берилаётган бўлса, у ҳолда унинг номи бирликда келтирилади, қавсларда эса вариантиларнинг сони кўрсатилади (масалан, «дур (2 вариантда)»).

Агар талабнома ўзи билан буюмларнинг жамланмасини (тўпламини) ифода қиласидиган обьектнинг бадиий-конструкторлик ечимида берилаётган бўлса, саноат намунасининг номида «тўплам», «жамланма» сўзлари бўлиши керак (масалан, «манзарали ғишталар тўплами», «ётқизиш учун плитка-модуллар тўплами»).

34. Саноат намунаси тавсифининг «Саноат намунасининг вазифаси ва қўлланиш соҳаси» бўлимида талабнома берилган саноат намунасининг вазифаси ва қўлланиш соҳаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ва унинг устуноқ қўлланиш соҳаси кўрсатилади.

35. Саноат намунаси тавсифининг «Саноат намунасининг аналоглари» бўлимида аникланган аналогларнинг таърифи келтирилади ва улардан қайси бири талабнома берилган саноат намунасига энг яқин эканлиги кўрсатилади.

Саноат намунасининг аналоглари бу саноат намунасининг устуворлик санасигача ҳамма фойдалана оладиган маълумотлардан маълум бўлган, унга ўзининг муҳим аломатлари билан ўхшаш бўлган, талабнома берилган саноат намунаси билан бир хил вазифани бажарадиган буюмнинг ташқи кўринишига мансуб бўлган бадиий-конструкторлик ечимларидир.

Энг яқин аналог бу ўзининг муҳим аломатлар мажмуи бўйича талабнома берилган саноат намунасига энг яқин ўхшаш аналогдир.

Саноат намунаси тавсифининг «Саноат намунасининг аналоглари» бўлимида аналоглар ҳамда энг яқин аналогнинг тасвирини ўз ичига олган ахборот манбаларининг библиографик маълумотлари кўрсатилади.

Талабномада саноат намунасининг варианtlари мавжуд бўлса, бу холда одатда барча варианtlар учун энг яқин бўлган битта аналог келтирилади.

Агар аналоглардан хеч бири бир вақтнинг ўзида барча варианtlар учун энг яқин аналог бўлмаса, улардан ҳар бири учун энг яқин аналог кўрсатилиши мумкин.

36. «Саноат намунаси тасвиirlарининг ва саноат намунасини кўрсатиб берувчи тақдим этилган бошқа материалларнинг рўйхати» бўлимида тасвиirlар, шунингдек агар тақдим этилган бўлса, чизмалар, схемалар, конфекцион карталар уларнинг рақамланишига мувофиқ санаб ўтилади ва ҳар бирида нима тасвиirlanganлиги ҳақида қисқача изоҳлар келтирилади.

37. Саноат намунасининг моҳияти буюм тасвиirlарида акс эттирилган ва буюмнинг ташқи кўринишини унинг хусусиятлари билан ифодалаб, жамулжам келтирадиган муҳим аломат хисобланади.

Агар аломатлар буюм ташқи кўринишининг алоҳида хусусиятларини, хусусан шакли, конфигурацияси, орнаменти ва ранглар бирикмасини назарда тутса, улар муҳим аломатлар хисобланади.

Саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун унинг тасвиirlарда акс эттирилган муҳим аломатлари мажмуининг сўз билан ифодаланган таърифи тасвиirlарга (шунингдек, мавжуд бўлса, буюмнинг умумий кўриниши чизмасига, эргономик схемасига ва конфекцион картасига) ҳавола қилинган холда келтирилади.

Бунда, талабнома берилган саноат намунасининг энг яқин аналогидан фарқланадиган муҳим аломатлари ажратиб кўрсатилади.

38. Саноат намунаси тавсифининг «Саноат намунасининг моҳияти» бўлимида талабнома берилган саноат намунасининг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятлари қайд этилади ҳамда муҳим аломатларнинг буюм ташқи кўринишини шакллантиришга бўлган таъсири ўз-ўзидан тушунарли бўлмаса, унда муҳим аломатлар изоҳланади.

39. Асбоблар, дастгоҳлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳажмли саноат на-муналарининг ташқи кўринишини тавсифлашда уларнинг эргономик хусусиятларини кўрсатиш учун саноат намунаси бўлган буюмнинг ишлиashi ва/ёки ишлатилиши, инсон ва буюмнинг ўзаро алоқалари хусусиятларини очиб бериш учун буюм ташқи кўринишининг энг муҳим композицион ва функционал элементлари, бўғимлари ва деталларининг ўзаро таъсирини таърифлаб бериш лозим.

40. Жамланмани (тўпламни) таърифлашда унинг таркибиغا кирадиган ва умумий вазифасини амалга оширувчи функцияларни бажарадиган барча буюмлар кўрсатилади. Буюмлар жамланмасига (тўпламига) кирадиган барча элементларнинг бадийй-конструкторлик ечими шакл ҳосил қилишнинг ягона образли, масалан, пластик ва/ёки стилистик ҳолатидан фойдаланган ҳолда бажарилиши лозим ҳамда тасвирида ва муҳим аломатлар мажмуида ўз аксини топиши керак.

41. Талабномада саноат намунасининг варианtlари мавжуд бўлса, муҳим аломатлар мажмуи уларнинг барча варианtlари учун умумий бўлган ва устун турадиган (масалан, асосий композицион элементлар ва уларнинг жойлашуш-

ви, шакли, пластик ишланганлигини таърифлайдиган, ягона ижодий фикрни тасдиқлайдиган) аломатлари кўрсатилган ҳолда тўлиқ баён қилинади ва варианtlарни бир-биридан фарқловчи аломатлар ажратиб кўрсатилади. Вариантларни бир-биридан фарқловчи аломатлар, одатда, асосий аломатларга қўшимча бўлиб ҳисобланади ва асосий композицион элементларнинг ишланганлигини, колористик ечимини, қўшимча қисмлар ва элементларни ҳамда уларнинг ишланганлигини таърифлайди.

42. Саноат намунасининг моҳиятини очиб беришда аломатнинг турли шаклларини таърифловчи муқобил тушунчалар кўринишида ифодалашга йўл қўйилмайди. Агар аломатнинг турли шакллари бошқа аломатлар билан биргаликда бир хил эстетик ва эргономик хусусиятларга эга бўлган буюмнинг ташқи кўринишини ифодаласа, бунда саноат намунаси бўйича ҳар бир аломатнинг хос бўлган тавсифловчи варианти келтирилади (масалан, шаклни «доирасимон ёки квадрат» ёки «доирасимон, квадрат» деб таърифлаш нотўғри бўлиб, битта вариантда «доирасимон», иккинчи вариантда эса «квадрат» деб келтириш лозим.

43. Саноат намунасини таърифлашда семантик маънолар буюм ташқи кўринишининг ўзига хос хусусиятларига таъсир қиласлиги сабабли, умумий буюмда ёки унинг элементида мавжуд бўлган сўзли белгиларнинг семантик маъноларини ифодалайдиган аломатлардан фойдаланилмайди.

44. Аломат таърифини ушбу аломат очиб берилган ахборот манбаига ҳавола қилган ҳолда кўрсатишга йўл қўйилмайди.

45. Асосида ривожланган ҳажмий-фазовий тузилма (масалан, дастгоҳ, қишлоқ хўжалиги машинаси, мотоцикл) бўлган мураккаб композицияга эга буюмларнинг бадиий-конструкторлик ечимларини таърифлаш учун қўйидаги аломатлардан фойдаланилади:

- композицион элементларнинг мавжудлиги;
- элементларнинг ўзаро жойлашганлиги;
- композицион элементларнинг шакли.

46. Моноблок композицияли буюмларнинг (масалан, телевизор, радио, шчит асбоби, қутича) бадиий-конструкторлик ечимларини, шунингдек элементар геометрик ҳажмларнинг (масалан, секцияли мебель блоки) ўзаро нисбатларига қурилган ечимларни таърифлаш учун қўйидаги аломатлардан фойдаланилади:

- композицион элементларнинг таркиби ва тақсимланиши;
- буюмнинг фронтал юзасида жойлашган элементларнинг пластик, график, ранг ва фактура ечими.

47. Текис композицияга эга бўлган бадиий-конструкторлик ечимларни (масалан, рўмол, мато, гилам) таърифлаш учун қўйидаги аломатлардан фойдаланилади:

- композицион тузилиши;
- орнамент элементлари, мавзуларининг ритмик ташкил қилинганлиги, чизиқли-график нисбатлари;
- орнамент мавзуларининг ишланганлиги;
- колористик ечими;

д) фактураси (мато илларининг тўқилиши).

48. Кийимнинг бадиий-конструкторлик ечимини таърифлаш учун қўйидаги аломатлардан фойдаланилади:

а) модельнинг уни ҳажмий жиҳатдан таърифлайдиган шакли;

б) қисмларнинг ўзаро нисбатини белгилайдиган пропорциялар;

в) модельнинг текислик характеристикаси бўлган силуэти;

г) элементнинг мутаносиб кетма-кетлигини белгилайдиган ритм;

д) деталлар, кийимнинг исталган қисмида унинг юзасига қўйиладиган элементлар, уларнинг шакли;

е) безаги, буюмнинг утилитар қўлланиши нуқтаи назаридан функционал аҳамиятга эга бўлмаган, модель ечимида декоратив ўрин тутган, унинг ишлатилиши бир вақтнинг ўзида технологик усул бўлиши мумкин бўлган (масалан, кийим четларига ишлов бериш, деталларни бирлаштирувчи чокни мустаҳкамлаш) элемент;

ж) фурнитура (тугмалар, илгаклар), буюм структурасига унинг алоҳида қисмларини бирлаштириш ва ажратиш учун кирадиган ҳамда декоратив элемент вазифасини ўтайдиган элемент;

з) материал.

49. Пойабзалнинг бадиий-конструкторлик ечимини таърифлаш учун қўйидаги аломатлардан фойдаланилади:

а) модель шаклининг, шу жумладан колодка шаклининг ҳажм жиҳатдан таърифи;

б) пойабзал юқори ва қуи қисмининг конструкцияси;

в) конструкция элементларининг (боши, гулчини, қўнжи, тагчарми) таркиби, шакли ва ўзаро жойлашганлиги;

г) материал (декоратив алоҳида хусусиятлари билан бирга);

д) безак деталлари;

е) фурнитураси;

ж) колористик ечими.

50. Буюмлар жамланмасининг (тўплам) бадиий-конструкторлик ечимини таърифлаш учун, тегишли буюмларнинг бадиий-конструкторлик ечимини таърифлаш учун ишлатиладиган аломатлардан ташқари қўйидагиларни акс эттирадиган аломатлардан фойдаланилади:

а) қисмларнинг ўзаро алоқаларининг характеристи;

б) элементларнинг ўзаро тенг тобелиги;

в) дастлабки элементларнинг ва ушбу элементлардан фойдаланиб яратилган буюмларнинг ва умуман барча жамламанинг (тўплам) ҳам пропорционал тузилиши.

51. Босма маҳсулотларнинг (масалан, муқовалар, этикеткалар, ёрлиқлар, наклейкалар) бадиий-конструкторлик ечимини таърифлашда қўйидагилардан фойдаланилади:

а) композицион тузилиши;

б) график элементлар, тасвирий мавзулар, орнаментнинг ишланганлиги;

в) шрифт графикасининг жойлашуви ва бажарилганлиги (ёзувларнинг маъно ва (ёки) фонетик мазмунисиз);

г) колористик ечими.

52. Ташқи кўриниши икки ҳолат билан — ёпиқ (ёғилган) ва очиқ деб белгиланадиган буюмларнинг (масалан, шкафлар, музлатгичлар, ёпиқ корпусдаги асбоблар, телефон будкалари) бадийй-конструкторлик ечимини таърифлашда буюм ташқи кўриниши ва ички ҳажми ишланишининг элементлари буюм аломатлари бўлиши мумкин.

53. Бадийй-конструкторлик ечимини таърифлашда аломат, шунингдек буюм ёки унинг элементининг ташқи кўриниши бошқа вазифани бажарадиган буюмнинг ташқи кўриниши билан мос келишини кўрсатиш йўли орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

54. Талабнома берилаётган бадийй-конструкторлик ечимида талабнома топширилган ёки муҳофаза ҳужжатлари олинган саноат намунасининг бошқа обьектлари мавжуд бўлиб, бу талабнома берувчига маълум бўлса, талабномада бу тўғрисидаги ахборот манбаларини аниқлаш учун етарли бўлган маълумотлар кўрсатилиши лозим.

55. Саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуи тасвирларда акс эттирилган ҳамда патент билан хуқуқий муҳофаза ҳажми белгиланиши сўраляётган аломатларни ўзаро мос талқин этиш учун мўлжалланади.

56. Муҳим аломатлар мажмуига муҳим ҳисобланган ва одатда, саноат намунасининг моҳиятини очиб берувчи таърифга қараганда қисқарок таърифланган барча аломатлар киритилади.

57. Муҳим аломатлар мажмуига киритилган аломатлар саноат намунасининг моҳиятини ушбу моҳиятни очиб беришда фойдаланилган тушунчалар билан ифодалаши лозим.

58. Буюмнинг тамғали, хизмат ва истеъмол аҳамиятига эга бўлган график тасвирларини (усти, думалатилмасин, штрих-код), агар улар стандарт усулда бажарилган бўлса, саноат намунасининг тавсифлар рўйхатига киритиш тавсия этилмайди.

59. Муҳим аломатлар мажмуига киритилган аломатлар буюмнинг ташқи кўринишини унинг статик ҳолатида таърифлаш имконини берадиган ҳолда баён қилинади. Буюмнинг ташқи кўринишини таърифлашда унинг ўзгаришга мойиллигини, шакл элементлари ҳолатининг ўзгариш имкониятини кўрсатишига йўл қўйилади.

60. Муҳим аломатлар мажмуида саноат намунасининг аломатларини таърифлашда қўлланган тушунчаларнинг мазмуни буюм (макет, расм) тасвирларидаги элементларни идентификация қилишда уларни бир маънода тушуниш имкониятини таъминлаши керак.

61. Муҳим аломатлар мажмуидаги аломатнинг таърифини буюм (макет, расм) тасвирларига ҳавола билан алмаштиришга йўл қўйилмайди, бундан аломатни ушбу Қоидаларнинг 60-банди талабларини бузмаган ҳолда ҳаволаиз таърифлашнинг имконияти бўлмаган ҳоллар мустасно.

62. Саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуи, қоида тариқасида, саноат намунасининг энг яқин аналог аломатларига мос келадиган муҳим аломатларни, шу жумладан саноат намунасининг вазифасини акс эттирувчи туркум тушунчасини ўз ичига олган чекловчи қисмдан ҳамда саноат на-

мунасини унинг энг яқин аналогидан фарқлайдиган мухим аломатларни ўз ичига олган фарқловчи қисмдан иборат бўлади. Саноат намунасининг мухим аломатлари мажмuinинг чекловчи қисми баён қилингандан сўнг «фарқловчи томонлари» сўзи келтирилади ва моҳият жиҳатидан фарқловчи аломатлари «мавжуд», «бажарилган» сўzlари билан бошланган холда баён қилинади.

Саноат намунасининг мухим аломатлари мажмуи келтирилган тавсиф, агар унда аналоглари бўлмаган саноат намунаси таърифланётган бўлса, чекловчи ва фарқловчи бўллимларга ажратилмай тузилади.

63. Саноат намунасининг варианtlари келтирилган талабномада мухим аломатлар мажмуи барча варианtlар учун умумий бўлган мухим аломатларни (энг яқин аналогга мос келадиган ва фарқланадиган), шу жумладан саноат намунасининг вазифасини акс эттирувчи туркum тушунчасини ўз ичига олган қисмда баён қилинади, сўнgra «1- (2-) варианtlарнинг мавжудлиги (бажарилганилиги) билан таърифланади» сўzlари билан аниқ бир варианtgа хос мухим аломатлар келтирилади.

64. Саноат намунасининг мухим аломатлари мажмуи Вазирликка алоҳида ваарақда тақдим этилади.

65. Умумий қўринишдаги чизма Вазирликка саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш ва унинг ташқи ўлчамлари, пропорционал нисбатларини аниқлаш учун зарур бўлган холларда тақдим этилади.

66. Эргономик ишловни кўзда тутадиган буюмга мансуб саноат намунасига талабнома топширилганда, Вазирликка талабнома билан бирга ушбу буюмнинг эргономик схемаси ҳам тақдим этилади.

67. Талабнома материалларида чизмалар ва схемалар саноат намунаси тавсифининг матнiga қатъяян мос бўлиши керак.

68. Талабнома материалларида кўрсатилган чизма ёки схемада буюм элементларининг предметли-фазовийлигини тавсифловчи ва асосий элементларнинг жойлашуви, буюмни тасаррuf этиш қулайлиги тўғрисида фикр юритишга имкон берувчи буюм ва унинг элементларининг ташқи ўлчамлари (масалан, акс эттириш воситалари, жойлаштириш баландлиги, кенглиги, чуқурлиги, юзаси, шаклнинг яқин жойлашган элементлари орасидаги масофа) кўрсатилиши лозим.

69. Талабнома материалларида кўrсатилган чизмалар ва схемалардаги асосий шакл ҳосил қилувчи элементлар саноат намунасининг тавсифидаги-дек араб рақамлари билан белгиланади. Чизма ёки схеманинг бир нечта фигуралидаги айнан битта деталь ёки бўғим битта рақам билан белгиланади.

70. Чизмалар ва схемалардаги четга чиқариладиган чизиқлар аниқ бўлиши керак. Рақамли ва ҳарфли белгиларни қавслар, айланалар ёки қўштириноқлар ичida кўrсатишга йўл қўйилмайди. Рақамлар ва ҳарфларнинг баландлиги 3,2 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

71. Чизмалар ва схемалар таркибида шакл ёки ҳолатни тавсифловчи «очик», «ёпик» каби зарур сўzlардан ташқари ҳеч қандай ёзувлар бўлмаслиги лозим.

72. Чизмадаги тасвир Вазирликка, одатда, тўғри бурчакли (ортогонал) проекцияларда (турли қўринишларда, қирқимларда, кесимларда) тақдим эти-

лиши лозим. Кўргазмали бўлиши учун уни аксонометрик проекцияда тақдим этишга йўл қўйилади. Чизмадаги ҳар бир элемент бошқа барча элементларга нисбатан пропорционал ҳолда бўлади, бундан элементни аниқ тасвирилаш учун пропорцияларни фарқлаш зарур бўлган ҳоллар мустасно.

73. Чизмалар, схемалар ва изоҳ берувчи расмлар Вазирликка алоҳида ва рақларда тақдим этилади ва ҳар бир варақнинг юқори ўнг бурчагида саноат намунасининг номи келтирилиши мумкин. Чизманинг битта варагида бир неча фигура жойлаштирилганда, улар бир-биридан аниқ ажратилган бўлиши лозим. Агар икки ва ундан кўпроқ варақларда жойлашган фигураналар ягона фигуруни ташкил қиласа, у ҳолда улар тўлиқ фигуранинг турли варақларда тасвиirlанган бирон-бир қисми қолдирилмай компоновка қилиниши мумкин бўлган ҳолда жойлаштирилади.

Алоҳида фигураналар варакда ёки варакларда вараклар максимал даражада тўлдирилган, чизма эса варакнинг узун томонидан вертикал ҳолатда ўқиш мумкин бўлган ҳолда жойлаштирилади.

74. Ҳар бир чизма (схема) фигура сифатида (масалан, «1-фигура», «2-фигура») тасвирининг туридан қатъи назар, ягона ракамлаш тартибида саноат намунасининг тавсифи матнида навбат билан рақамланади. Агар саноат намунасининг тавсифи битта фигура билан изоҳланса, у рақамланмайди.

75. Енгил саноат буюмларига тааллукли саноат намунасига талабнома топширилганда, талабномага конфекцион карта (буюмни тайёрлаш учун тавсия этилган тўқимачилик, трикотаж материаллар, тери, фурнитура ёки безакларнинг намуналари) илова қилинади.

Декоратив материаллар, гиламлар ва матоларнинг намуналари Вазирликка расм раппорти ўлчамида тақдим этилади.

3-§. Талабномада йўл қўйиб бўлмайдиган элементлар

76. Талабномада:

- одоб-ахлоқ қоидаларига зид иборалар, чизмалар, расмлар, тасвиirlар;
- ахлоқсиз ва жаргон сўзлар ёки шундай маънога эга бўлган иборалар;
- саноат намунасига тааллукли бўлмаган ёхуд талабнома материаллари ни ушбу Қоидаларнинг талбларига мувофиқ деб эътироф этиш учун зарур бўлмаган маълумотлар бўлмаслиги лозим.

77. Саноат намунаси тавсифининг «Саноат намунасининг аналоглари» бўлимида маълум бир саноат намунасининг камчилигини кўрсатиб бериш йўл қўйиб бўлмайдиган элемент деб ҳисобланмайди.

4-§. Атамалар ва белгилар

78. Саноат намунасининг тавсифи ва унинг изоҳловчи материалларида умумэътироф этилган атамалар ва қисқартмалар, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда эса илмий ва техникавий адабиётларда умумқабул қилган атамалар ва қисқартмалар қўлланилади.

Илмий ва техникавий адабиётларда кенг қўлланилмайдиган атамалар ва қисқартмалар ишлатилганда, уларнинг маъносига матнда биринчи марта

қўлланган ўринда тушунча берилади. Илмий ва техникавий адабиётларда но-илмий деб эътироф этилган тушунчаларни таърифловчи атамаларнинг қўлланнишига йўл қўйилмайди. Ҳамма шартли белгилар очиб берилади. Физикавий катталиклар одатда амалдаги Ҳалқаро бирликлар системаси бирликларида ифода этилади.

Саноат намунасининг тавсифида ягона терминологияга риоя қилиниб, айнан бир хил белгилар матнда бир хил қўлланилади.

Саноат намунасининг номи лотин алифбоси белгилари ва араб рақамларини ўз ичига олиши мумкин. Саноат намунасининг номида бошқа алифбо белгилари ва маҳсус белгиларнинг қўлланнишига йўл қўйилмайди.

5-§. Талабнома материалларини расмийлаштириш

79. Талабнома материалларидаги барча хужжатлар улардан чекланмаган миқдорда нусха кўчириш имкониятини берадиган ҳолда расмийлаштирилади.

80. Талабнома материаллари бўйича ахборот манбаларининг библиографик маълумотлари улар бўйича ахборот манбанини топиш мумкин бўлган ҳолда кўрсатилиши лозим.

6-§. Талабномани топшириш

81. Саноат намунасининг муаллифи, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқ ворислари (бундан бўён матнда талабнома берувчи) талабнома топшириш ва патент олиш ҳуқуқига эга.

82. Талабнома бевосита Вазирликка давлат ахборот тизимлари орқали топширилади.

83. Талабнома бевосита талабнома берувчи томонидан ёки Вазирликда рўйхатдан ўтказилган патент вакили ёхуд ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

Талабнома берувчи, унинг патент вакили ёки ишончли шахси бўлмаган шахслар томонидан тақдим этилган талабнома материаллари кўриб чиқилмайди ва ушбу материалларни тақдим этган шахсга бу ҳақда билдиришнома юборилади.

84. Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар саноат мулки обьектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ бўлган юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Вазирликда рўйхатга олинган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

3-боб. Патент олиш бўйича ишларни олиб бориш

1-§. Ишончли шахсни тайинлаш

85. Талабнома бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқишида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи ишончнома бериш орқали вакил тайинлаши мумкин.

Талабнома бўйича ишларни олиб боришда Вазирлик олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштириладиган ишончнома оддий ёзма шаклда тузилади.

Ишончнома Вазирликка талабнома билан бир вактда тақдим этилади.

Агар ишончнома Вазирликка хорижий тилда берилган бўлса, унга давлат тилидаги таржимаси илова қилинади.

Агар ишончнома Вазирликда рўйхатдан ўтказилган бир нечта патент вакили номига ёки бир нечта ишончли шахслар номига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича ишлар уларнинг исталгани томонидан олиб борилади.

2-§. Вазирлик ва Давлат муассасаси билан ёзишмалар олиб бориш

86. Вазирлик ва Давлат муассасаси билан ёзишмалар талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ушбу ишга ваколат берилган ишончли шахс томонидан ҳар бир талабнома бўйича алоҳида олиб борилади.

87. Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалларда талабнома рақами ва талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ишончли шахснинг имзоси бўлиши керак.

88. Вазирликка мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган материаллар бўйича талабнома берувчига сўровнома юборилади ва унда сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой муддатда Вазирликка тузатилган ва етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф этилади.

3-§. Талабнома материалларига қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш

89. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ талабнома берувчи талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки обьектининг моҳиятини ўзgartирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимчалар киритиш хуқуқига эга.

Бунда, талабномага тузатишлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритиш учун талабнома берувчи томонидан Давлат муассасасига ушбу Қоидаларнинг 2 — 4-иловаларига* мувофиқ шаклда аризалар берилиши керак.

90. Патент бериш хақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимчалар Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган муддат ўтганидан кейин, бироқ Давлат муассасаси томонидан патент бериш хақида қарор қабул қилингунга қадар ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланган ҳолда киритилиши мумкин.

Бунда, патент божи тўланмаган тақдирда Давлат муассасаси томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади. Шунингдек, тўланган патент божининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордан кам бўлса, бу ҳолда талабнома берувчига етишмаёт-

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган патент божини тўлаш ҳақида Давлат муассасаси томонидан билдиришнома юборилади ҳамда талабнома берувчи унга Давлат муассасаси томонидан билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой ичидаги керакли суммани тўлаш хуқуқига эга ҳисобланади.

91. Талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритишда Давлат муассасасига алмаштириладиган варак ёки тасвиirlар талабномадаги тегишли хужжатнинг ҳар бири учун тақдим этилади. Бунда, алмаштириладиган вараклар давлат тилида бўлиши керак.

Талабнома берувчи талабномага тузатишлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари ҳақида Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда хабардор қилинади.

92. Талабнома берувчи — юридик шахснинг номи ёки талабнома берувчи — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганда талабнома берувчи томонидан Вазирликка ушбу Қоидаларнинг З-иловасига мувофиқ шаклда талабнома берувчининг номига ўзгартириш киритиш ҳақида ариза тақдим этилади.

93. Талабномага бўлган хуқуқ бошқа шахсга ўтказилган тақдирда, талабнома берувчини ўзгартириш саноат намуналарини давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш кунигача амалга оширилиши мумкин.

Бунда, талабнома берувчи талабномага бўлган хуқуқини бошқа шахсга ўтказган тақдирда, у Вазирликка талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисида ушбу Қоидаларнинг З-иловасига мувофиқ шаклда ариза беради. Аризада талабномага бўлган хуқуқ бошқа шахсга ўтказилиши ҳақида қайд ва бу шахс ҳақида ушбу Қоидаларнинг 15 ва 18-бандларида кўзда тутилган маълумотлар келтирилиши лозим.

Талабномага бўлган хуқуқ бошқа шахсга ўтказилиши ҳақидаги ариза факат талабнома берувчи томонидан имзоланган тақдирда, аризага талабнома берувчи ва унинг хуқуқий вориси томонидан имзоланган хуқуқ ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

94. Талабнома материалларига талабнома берувчи ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилганлиги ҳақида талабнома берувчи ва унинг хуқуқий ворисига Давлат муассасаси томонидан ёзув киритилган кундан бошлаб ўн кун муддатда билдиришнома юборилади. Бунда, кейинги барча ёзишмалар янги талабнома берувчи билан олиб борилади.

Талабномага бўлган хуқуқ бошқа шахсга ўтказилган сана деб талабнома берувчи ва унинг хуқуқий ворисига талабнома берувчи ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган сана ҳисобланади. Мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя қилинмаган тақдирда, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчи ва унинг хуқуқий вориси тақдим этилган ҳужжатларга аниқликлар ва/ёки тузатишлар киритиш зарурлиги ҳақида ёки талабнома материалларига талабнома берувчи ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ёзув киритиш мумкин эмаслиги ҳақида ўн кун муддат ичидаги сабаблар кўрсатилган ҳолда хабардор қилинади.

95. Талабнома рақами ва киритилиши лозим бўлган тузатишлар кўрсатилган, талабнома материалларига тузатишлар киритиш ҳақидаги аризани

талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ишончли шахс томонидан имзоланган ҳолда Давлат муассасасига ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда тақдим қилинади.

Талабнома материалларидаги яққол аён бўлиб турган ва техник тусдаги хатоларни тузатиш саноат намунаси тегишли давлат реестрида рўйхатдан ўтиказилган санага қадар амалга оширилади. Агар мутахассис учун таклиф этилган тузатишдан бошқасининг амалга оширилиши мумкин эмаслиги умумэътироф этилган билимлардан аён бўлса, тузатиш яққол аён деб хисобланади.

Агар тузатишлар матнни ёритищдаги хатолик ва бошқа шу каби хатоликларга оид бўлса, тузатиш киритиш зарурлиги талабнома берувчининг хатида баён қилиниши ва аввалгисининг ўрнини босадиган материаллар тақдим этилмаслиги мумкин.

96. Саноат намунасининг бирлиги талаби бузилган ҳолда топширилган талабнома талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Давлат муассасаси томонидан икки ёки бир неча талабномаларга ажратилади.

97. Ажратилган алоҳида талабномалар биринчи талабнома топширилган санани, саноат намунасининг устуворлигини, биринчи талабнома бўйича илгарироқ устуворлик белгилаш хуқуқи мавжуд бўлган тақдирда эса, ушбу устуворлик санасини сақлаб қолади.

98. Талабнома берувчи Давлат муассасасига саноат намунасининг бирлиги талаби бузилган ҳолда топширилган талабномани ажратиш ҳақидаги илтимоснома билан бирга ушбу Қоидаларнинг 13 — 80-бандларига мувофиқ расмийлаштирилган хужжатларни топширади ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдорда патент божи тўлайди ёки патент божини тўлашдан озод этиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган хужжатни тақдим этади.

4-§. Давлат муассасаси томонидан сўралган материалларни тақдим этиш муддатларини узайтириш

99. Ушбу Қоидаларда белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган талабнома юзасидан талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан сўровнома юборилиб, сўровномада у йўлланган санадан эътиборан уч ой ичидаги тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материаллар тақдим этиш тақлиф қилинади.

Давлат муассасаси томонидан сўралган материалларни тақдим этиш муддати талабнома берувчининг муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномасига асосан узайтирилиши мумкин. Бунда, илтимоснома асосида муддатни узайтириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

100. Талабнома берувчи томонидан муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома унга Давлат муассасаси томонидан сўровнома юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этилиши керак.

Бунда, Давлат муассасаси томонидан сўралган материалларни тақдим этиш муддати мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат

тугаган санадан бошлаб 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

101. Давлат муассасаси томонидан сўралган материалларни тақдим этиш муддати узайтирилганлиги ҳақида талабнома берувчига ўн кун ичида хабар берилади.

102. Талабнома берувчи муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани тақдим этиш муддатига риоя қилмаган тақдирда, унинг илтимосномаси қаноатлантирилмайди ва бу ҳақда Давлат муассасаси томонидан ўн кун ичида талабнома берувчига хабар берилади.

5-§. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш

103. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, талабнома берувчи томонидан давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатлари, муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақоизо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда Давлат муассасаси томонидан тикланиши мумкин.

104. Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома, тақдим этиш муддати ўтказиб юборилган ҳужжат билан бирга муддат ўтказиб юборилишига олиб келган узрли сабаблар кўрсатилган холда Давлат муассасасига тақдим этилади. Бунда, Давлат муассасаси кўрсатилган узрли сабаблар мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

105. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланмаган тақдирда, Давлат муассасаси томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди ва бу ҳақда ўн кун ичида талабнома берувчига хабар берилади.

106. Ўтказиб юборилган муддат тикланган тақдирда, бу ҳақда Давлат муассасаси томонидан муддат тикланган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида талабнома берувчига хабар берилади.

Ушбу Коидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган холларда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилмайди ва бу ҳақда Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддат ичида талабнома берувчига хабар берилади.

6-§. Талабномани талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқиш

107. Талабнома билан боғлик масалалар талабнома берувчининг (унинг патент вакили ёки ишончли шахсининг) иштирокида Давлат муассасасининг таклифи бўйича ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра кўриб чиқилади.

Давлат муассасасининг тузатилган ва/ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш ҳақидаги сўровномасидаги эътироzlар учрашиш мақсадга мувофиқлиги маълум килинган хабарномада, талабнома берувчининг эъ-

тиrozлари эса учрашув ўтказиш ҳақидаги илтимосномада баён қилиниши лозим.

108. Давлат муассасасининг тузатилган ва/ёки етишмаётган материаларни тақдим этиш ҳақидаги сўровномасига талабнома берувчининг жавоби, унинг талабномани кўриб чиқиша иштирок этиш истаги бор-йўклигидан қатъи назар, сўровномада кўрсатилган муддатда Давлат муассасасига тақдим этилади.

Талабномани талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш санаси ва вақти Давлат муассасасининг хабарномаси орқали олдиндан келишиб олинади. Бунда, вазият ўзгарган тақдирда белгиланган вақтда талабномани кўриб чиқиша иштирок этиш имконияти бўлмаган томон дарҳол бу ҳақда иккинчи томонни ёзма равища хабардор қиласи ҳамда кейинги кўриб чиқиш санаси ва вақти ҳақида Давлат муассасасининг хабарномаси орқали келишиб олинади.

109. Талабнома бир нечта талабнома берувчи томонидан топширилганда, улар номидан битта талабнома берувчи ишончнома орқали талабномани кўриб чиқиша иштирок этиши мумкин.

110. Агар сўровномадаги камчиликларни бевосита эксперт ва талабнома берувчи томонидан ҳал қилиш имконияти мавжуд бўлса, улар ўртасида музокаралар олиб борилади ҳамда агар сўровномадаги камчиликларни ҳал қилиш имконияти мавжуд бўлмаса, сўровномадаги камчиликлар экспертлар иштирокида кўриб чиқиласи.

Музокаралар ва эксперталар муҳокамаси натижалари бўйича икки нусхада иштирокчилар ҳақидаги маълумотлар, томонлар келтирган далиллар ва таклифлар ҳамда кейинги иш юритиш ҳақидаги хулосаларни ўз ичига олган баённома тузилади.

Баённомада экспертиза давомида келтирилган далиллар билан бирга талабнома берувчининг (унинг патент вакили ёки ишончли шахси) саноат намунаси муҳим аломатлари мажмуи бўйича таклиф этган янги таҳрири, талабномани чақириб олиш ҳақидаги аризаси, экспертиза давомида ёзма тушунишилар талаб қилинган саволлар келтирилиши мумкин.

Баённома муҳокама жараёнида қатнашган барча иштирокчилар томонидан имзоланиб, унинг бир нусхаси талабнома материалларига қўшиб қўйилади ва иккинчи нусхаси талабнома берувчига (унинг патент вакили ёки ишончли шахсига) берилади.

Муҳокама қилинган саволлар бўйича келишувга эришилмаган ҳолларда, баённомада муҳокама жараёнида қатнашганларнинг алоҳида фикрлари қайд этилиши мумкин. Талабнома берувчига (унинг патент вакили ёки ишончли шахсига) топшириладиган ва хулосаларни ўз ичига олган баённома нусхаси экспертизадаги масалалар келтириладиган сўровноманинг ўрнини босиши мумкин, бунда бу ҳақда баённомада тегишли ёзув қайд этиб қўйилади.

111. Баённома талабнома берувчининг экспертиза сўровномасига жавоби ўрнида (агар, жавоб бериш учун белгиланган уч ойлик муддат бузилмаган бўлса) кабул қилинади. Бунда, баённомада тегишли ёзув қайд этиб қўйилади.

7-§. Талабнома берувчи томонидан талабномани чақириб олиш

112. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, талабнома берувчи саноат мулки обьекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар давлат экспертизасининг исталган босқичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Бунда, талабнома берувчининг чақириб олиш тўғрисидаги аризаси Давлат муассасасига келиб тушган кундан эътиборан беш кун муддатда унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома талабнома берувчига жўнатилади ва ушбу санадан эътиборан талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

113. Чақириб олинган талабнома ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда у бўйича Давлат муассасаси томонидан юридик аҳамиятга молик ҳараратлар олиб борилмайди (талабнома бўйича экспертиза ўтказилмайди, унга асосан патент берилмайди) ва келгусида талабнома берувчининг ҳуқуқлари амалга оширилиши учун ушбу талабнома асос бўлиб ҳисобланмайди (хусусан, навбатдаги талабномани топширишда чақириб олинган талабноманинг келиб тушган санаси бўйича ёки унга қўшимча материаллар келиб тушган сана бўйича устуворлик белгиланмайди).

Чақириб олинган талабнома саноат намунаси бўйича келиб тушган бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказиш жараёнида ҳисобга олинмайди.

114. Талабнома берувчининг талабномани чақириб олиш тўғрисидаги аризасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги илтимосномаси, агар у талабноманинг чақириб олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома талабнома берувчига юборилганидан кейин келиб тушган бўлса, қаноатлантирилмайди.

4-боб. Талабномани кўриб чиқиш

1-§. Вазирликка келиб тушган талабномани рўйхатга олиш

115. Вазирликка келиб тушган талабнома материаллари келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда саноат намунасига талабнома сифатида рўйхатга олинади, бунда ушбу материаллар таркибида камидан патент бериш тўғрисида давлат тилидаги ариза ва белгиланган миқдорда патент божи тўланган ёки патент божини тўлашдан озод этиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиши керак.

116. Талабномага Вазирлик томонидан рўйхат рақами берилади.

Талабнома берувчи талабнома материаллари келиб тушганлик факти ҳақида, у келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичida рўйхат рақами ва келиб тушган санаси маълум қилинган ҳолда Вазирлик томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

117. Рўйхатдан ўтказилган талабнома материаллари қайтарилмайди.

118. Талабнома маълумотлари талабнома Вазирликка келиб тушган сана-

дан эътиборан, у ҳақидаги маълумотлар расман эълон қилингунга қадар махфий ҳисобланади ва талабнома берувчининг розилигисиз ошкор қилинмайди.

2-§. Расмий экспертиза

119. Конуннинг 20-моддасига мувофиқ, Давлат муассасаси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза ва саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказади.

120. Конуннинг 21-моддасига мувофиқ, расмий экспертиза патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ўтгандан кейин ўтказилади. Талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига кўра расмий экспертиза ушбу муддат ўтмасдан ўтказилиши мумкин. Бунда, талабнома берувчи илтимоснома берилган пайтдан эътиборан талабнома материалларига қўшимча патент божини тўламасдан, ўз ташаббусига кўра тузатишлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритиш хуқуқидан маҳрум бўлади.

121. Талабнома материалларининг расмий экспертизасини ўтказиш давомида қўйидагилар текширилади:

- а) талабнома таркибида бўлиши ёки унга илова қилиниши лозим бўлган хужжатларнинг мавжудлиги;
- б) саноат намунасининг моҳиятини таҳлил қилмай туриб, тақдим этилган хужжатларга нисбатан ушбу Қоидаларда қўйилган талабларга риоя қилинганлиги;
- в) Конуннинг 14-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда талабнома топшириш тартибига риоя қилинганлиги, шу жумладан патент вакили ёки ишончли шахснинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончноманинг мавжудлиги;
- г) талабнома берилган таклифнинг саноат намунаси сифатида хуқуқий муҳофаза бериладиган объектларга мансублиги;
- д) талабномада унинг Вазирликка келиб тушган санасидан аввалроқ устуворлик сўралишининг асослилиги;
- е) саноат намунасини СНХКнинг амалдаги таҳрири бўйича таснифлаш талабнома берувчи томонидан тўғри амалга оширилганлиги.

122. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдорда бож тўланмаган ёки кўрсатилган патент божини тўлашдан озод қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, талабнома берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдорда бож тўлаши лозимлиги ёки тегишли хужжатни уч ой мобайнинда тақдим этиши зарурлиги ҳақида Давлат муассасаси томонидан хабардор қилинади.

123. Талабнома берувчи битта саноат намунасига топширилган талабнома бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланган миқдордаги патент божи уч ой муддатда тўланмаган тақдирда, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмаслиги, таркибида саноат намунасининг варианtlари бўлган талабнома бўйича

эса экспертиза патент божи тўланган варианлар бўйича ўтказилиши ҳақида Давлат муассасаси томонидан хабардор қилинади. Бунда, экспертиза талабнома берувчи томонидан танлаб олинган варианлар бўйича ёки агар у Давлат муассасасига ўз танлови ҳақида уч ой муддатда маълум қилмаган бўлса, тавсифда биринчи бўлиб кўрсатилган варианлар бўйича ўтказилади.

Агар талабнома материаллари таркибида расмий экспертизани патент божи тўланмасдан туриб, муддатдан олдин бошлаш ҳақидаги илтимоснома мавжуд бўлса, талабнома берувчи патент божи тўланмагунга қадар, ушбу илтимосномани қаноатлантириш мумкин эмаслиги ҳақида Давлат муассасаси томонидан хабардор қилинади.

Патент божини тўлаш тўғрисидаги сўровнома Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига талабнома материалларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома билан бир вактда юборилиши мумкин.

124. Агар талабноманинг расмий экспертизаси жараёнида талабнома ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмий-лаштирилганлиги аниқланса, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига етишмаган ёки тузатилган ҳужжатларни ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичидан тақдим этиш зарурлиги кўрсатилган сўровнома юборилади.

Куйидагилар талабнома берувчига сўровнома юбориш учун асос бўлади:

- талабнома материалларида ушбу Қоидаларнинг 8-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан ҳеч бўлмаганда биттасининг мавжуд эмаслиги;
- талабнома материалларида ҳужжатлар хорижий тилда тақдим этилган бўлса, уларнинг давлат тилидаги таржимасининг мавжуд эмаслиги;
- патент бериш учун аризада имзолар ёки ушбу Қоидаларда кўзда тутилган бошқа реквизитларнинг мавжуд эмаслиги;
- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланмаган ёки белгиланган миқдордан кам тўланган бўлса;

д) талабнома материалларида ҳужжатларни расмийлаштиришда улардан бевосита нусха кўчириш, уларни эълон қилиш ва сақлашга тўскинлик қиласидиган ва/ёки манфаатдор шахсларга улар билан танишиш имкониятини бермайдиган камчиликлар (вараклар формати, ҳошияларнинг ўлчамлари, талабнома материалларини ўқишини қийинлаштирадиган тасвирлар, чизмалар сифатлари) аниқланганлиги;

е) саноат намунасининг тавсифида ушбу Қоидаларда кўзда тутилган тузилмавий бўлимларнинг мавжуд эмаслиги (агар тегишли бўлимда баён қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа бўлимда келтирилган бўлса, сўровнома юборилмайди), шунингдек саноат намунасининг тавсифида ёки муҳим аломатлар рўйхатидаги бирон-бир аломат таърифи ушбу аломат очиб берилган адабиёт манбаига ҳавола билан алмаштирилганлиги;

ж) талабномада оммабоп бўлмаган адабиёт манбаига ҳаволалар ёки талабномадаги баъзи маълумотларни эълон қилиш мумкин эмаслиги (патент тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишда муаллифлиги кўрсатилишини

истамаган муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно) ҳақида кўрсатмаларнинг мавжудлиги;

з) саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатида хуқуқий муҳофаза сўралаётган буюннинг кўрсатилмаганлиги;

и) муҳим аломатлар рўйхатида тасвирларда тақдим этилган аломатларнинг сўз билан ифодаланган тавсифи ўрнига фақат буюннинг ташқи кўриниши хусусиятлари келтирилганлиги;

к) талабнома материалларининг бир-бирига мос эмаслиги (аризада келтирилган саноат намунасининг номи саноат намунасининг тавсифида келтирилган номга мос эмаслиги, муҳим аломатлар мажмуида кўрсатилган аломатлар саноат намунасининг тавсифида мавжуд эмаслиги, муҳим аломатлар мажмуига саноат намунасининг тавсифида келтирилган аломатлар киритилмаганлиги, тасвирлар ва чизмалар саноат намунаси тавсифига мос эмаслиги);

л) талабномада аввалроқ устуворлик сўралаётганлиги билан боғлиқ масалаларни аниқлаштириш зарурияти;

м) талабнома материалларида ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ келмайдиган ва талабнома берилган саноат намунаси (саноат намунасининг вариантлари) моҳиятини таҳлил қилмасдан туриб аниқланадиган бошқа бузилишларнинг мавжудлиги.

125. Талабномани топшириш учун тўланадиган патент божи муҳим аломатлар мажмуида таърифланган вариантлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Конунида белгиланганидан кам миқдорда тўланган тақдирда, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига сўровнома юборилиб, унда муҳим аломатлар мажмуига тузатишлар киритиш (саноат намунасининг бирлиги талабига мос келадиган ва патент божи тўланган вариантлар аломатларини белгилаш) ёхуд муҳим аломатлар мажмуида тузатишлар қилмасдан туриб, кўриб чиқилиши лозим бўлган ечимларни танлаш (уларни кўрсатган ҳолда) таклиф қилинади. Талабнома берувчи томонидан тузатишлар қилиш ва вариантлар танловини амалга ошириш рад этилганда, унга ушбу сўровноманинг ўзида фақат патент божи тўланган ва тавсифда биринчи бўлиб кўрсатилган вариантлар (шу жумладан саноат намунасининг бирлиги талабига мувофиқлиги нуқтаи назаридан) кўриб чиқилиши Давлат муассасаси томонидан хабар қилинади.

126. Агар талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан сўралган материалларни ёки уларни топшириш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимосномани ушбу Қоидаларнинг 99 — 102-бандларига мувофиқ тақдим этмаса, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддат ичida хабардор қилинади ва талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади.

127. Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат Давлат муассасаси томонидан тикланган тақдирда, талабнома бўйича иш юритиш давом эттирилади.

128. Талабнома предметининг қўлланиш соҳасини аниқлаш мақсадида Давлат муассасаси талабнома берилган саноат намуналарини СНХҚга муво-

фиг таснифлайди. Таснифлаш «СНХКдан фойдаланишга доир тавсиялар»га мувофик ўтказилади.

Бунда, таснифлаш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:
талабноманинг расмий экспертизасини ўтказишда;
талабноманинг моҳият бўйича экспертизасини ўтказишда.

Агар талабнома СНХКнинг турли рубрикаларига тегишли бир нечта обьектларни қамраб олган бўлса, барча тегишли тасниф индекслари аниқланади. Бу ҳолда биринчи индекс саноат намунасининг номига кўра белгиланади.

Расмий экспертиза босқичида белгиланган тасниф индекслари талабноманинг моҳият бўйича экспертизасини ўтказиш жараёнида ўзgartирилиши мумкин.

129. Талабноманинг расмий экспертизаси натижасида унинг патентга лаёқатли обьектларга тегишли бўлмаган таклифга берилганлиги аниқланса, бу ҳолда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан сўровнома юборилиб, унда патент беришни рад этиш учун асос бўладиган далиллар келтирилади ҳамда уларни рад этиш таклиф этилиб, талабнома берувчи, шунингдек сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида кўрсатилган мазмундаги жавобни тақдим этмаса, бу ҳолда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланиши хақида хабардор этилади.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат Давлат муассасаси томонидан тикланган тақдирда, талабнома бўйича иш юритиш ушбу Қоидаларнинг 103 — 106-бандларига мувофик давом эттирилади.

Агар талабнома берувчи ўзининг жавобида расмий экспертизанинг далилларини рад этмаган бўлса, Давлат муассасаси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

130. Талабнома берилган таклиф (саноат намунаси), агар у тасвирларда акс этган ва (ёки) муҳим аломатлар мажмуида таърифланган кўринишда ушбу Қоидаларнинг 7-бандида келтирилган буюмлар рўйхатига мос бўлса, патентга лаёқатли саноат намунаси деб эътироф этилмайди.

131. Агар талабнома берилган саноат намунаси моҳиятининг таҳлилисиз талабномани кўриб чиқиши натижасида талабнома ушбу Қоидаларнинг 6-бандига мувофик саноат намунасининг бирлиги талаби бузилган ҳолда топширилганлиги аниқланган бўлса, талабнома берувчига бу ҳақда Давлат муассасаси томонидан сўровнома юборилади ва ушбу санадан эътиборан уч ой мобайнида саноат намуналарининг қайси бири кўриб чиқилиши кераклигини маълум қилиш ва талабнома материалларига аниқликлар киритиш (зарур бўлганда) таклиф қилинади. Саноат намунасининг бирлиги талабига риоя қилинганлиги дастлаб тақдим этилган муҳим аломатлар мажмуига нисбатан текширилади. Агар муҳим аломатлар мажмуи ўзgartирилган бўлса, текшириш талабнома берувчи томонидан белгиланган тартибда сўнгги тақдим этилган таҳрирдаги муҳим аломатлар мажмуига нисбатан амалга оширилади.

132. Агар талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан ушбу Қоидаларнинг 125-бандида кўзда тутилган ҳолат билан боғлиқ сўровнома жўнатилган бўлса, бу ҳолда саноат намунасининг бирлиги талабига риоя қилин-

ганлигини текшириш факат талабнома берувчи томонидан танлаб олинган ва давлат божи тўланган вариантларга нисбатан амалга оширилади, танлаб олинмаганды эса, саноат намунаси тавсифида биринчи бўлиб тилга олингандарга нисбатан амалга оширилади ва бу ҳақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан хабар қилинади.

133. Агар саноат намунасининг бирлиги талаби бузилиши аниқланганлиги кўрсатилган сўровнома юборилгандан сўнг, талабнома берувчи уч ой муддатда саноат намуналарининг (унинг вариантларининг (давлат божи тўланган ҳолда) кўриб чиқилиш кетма-кетлигини Давлат муассасасига маълум қилмаса ҳамда талабномага аниқлик киритувчи ҳужжатларни тақдим этмаса, у ҳолда экспертиза факат саноат намунасининг тавсифида биринчи кўрсатилган саноат намунасига нисбатан (ёки саноат намунасининг тавсифида биринчи кўрсатилган саноат намунасининг вариантларига нисбатан) давом эттирилади ва бу ҳақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан хабар қилинади.

134. Агар қўшимча материаллар саноат намунасининг моҳиятини умуман ёки қисман ўзгартирса ва/ёки ушбу Коидаларнинг 184 — 188-бандларида қўзда тутилган шартларга риоя қилинмаган ҳолда тақдим этилган бўлса, у ҳолда қўшимча материаллар экспертиза ўтказиша умуман ёки тегишли қисмда эътиборга олинмаслиги тўғрисида талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан хабардор қилинади.

135. Агар талабнома саноат намунаси бирлиги талабига мувофиқлиги аниқланган бир нечта ечимларни ўз ичига олса (улар саноат намунасининг вариантлари бўлса), у ҳолда экспертиза уларнинг ҳар бири учун ўтказилади.

136. Талабноманинг бирон-бир ечими патентга лаёқатли обьектларга тегишли эмаслиги аниқланган ҳолларда, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига муҳим аломатлар мажмуидан патентга лаёқатсиз обьектнинг аломатларини чиқариб ташлаган ҳолда унга тузатиш киритиш таклиф қилинган сўровнома юборилади.

137. Агар талабномада ушбу Коидаларда белгиланган талабларга риоя қилинган ва талабнома берилган таклиф хуқуқий муҳофаза бериладиган обьектларга тегишли бўлса, у ҳолда талабнома берувчига Давлат муассасасининг талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилингандиги тўғрисидаги қарори жўнатилади.

3-§. Талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси

138. Вазирлик патент божи тўланган тақдирда талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади.

Агар талабнома берувчи томонидан талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги ариза топширилган, бироқ патент божи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордан кам тўланган бўлса, Давлат муассасаси сўровнома орқали талабнома берувчини сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида патент божи миқдори ва саноат намунасининг

вариантлари сонини мувофиқлаштириш кераклиги хақида хабардор қила-ди. Бунда, талабнома берувчи Давлат муассасасига талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказилиши лозим бўлган саноат намунасининг варианларини ёки экспертиза ўтказилмайдиган саноат намунаси-нинг варианлари чиқариб ташланган мухим аломатлар рўйхатини қайта тақдим этиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўлаши лозим.

139. Сўровномада кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордаги патент божи уч ойлик муддатда тўланмаган бўлса, битта саноат намунасига топширилган талаб-нома чақириб олинган деб хисобланади, саноат намунасининг варианлари берилган талабнома бўйича эса, моҳият бўйича илмий-техника экспертиза талабномада биринчи бўлиб кўрсатилган ёки талабнома берувчи томонидан кўрсатилган кетма-кетликдаги саноат намунаси варианларига нисбатан, агар улар бўйича патент божи тўланган ҳолдагина ўтказилади.

140. Талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасида қўйидагилар амалга оширилади:

а) саноат намунасининг устуворлиги белгиланади, агар у Қонуннинг 18-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларига мувофиқ сўралаётган бўлса;

б) талабнома берувчи томонидан тақдим этилган саноат намунасининг мухим аломатлари мажмуи ушбу Коидаларнинг 52 — 61-бандлари талаблар-га мувофиқлиги текширилади;

в) қўшимча материаллар, агар талабнома берувчи томонидан бундай ма-териаллар тақдим этилган бўлса, ушбу Коидаларнинг 184 — 188-бандларига мувофиқ текширилади;

г) талабнома материалларида ёки талабномани қўриб чиқишида Давлат муассасасига тақдим этилган қўшимча материаллар билан буюмнинг тасвирида келтирилган талабнома берувчи томонидан таклиф қилинган мухим аломатлар мажмуида таърифланган саноат намунасининг Қонунда белгилан-ган патентга лаёқатлилик шартларига мувофиқлиги текширилади.

4-§. Саноат намунасининг устуворлигини белгилаш

141. Саноат намунасининг устуворлиги патент бериш учун талабнома Вазирликка топширилган сана бўйича Давлат муассасаси томонидан белгиланади.

142. Талабнома берувчи томонидан конвенция устуворлиги сўралаётган-да қўйидагилар текширилади:

а) талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг тасдиқланган нусхаси мавжудлиги. Агар ушбу нусха талабнома Вазирликка топширилган санадан кейин тақдим этилган бўлса, талабнома берувчи томонидан биринчи талабноманинг нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги аниқланади. Агар биринчи талабномалар бир нечта бўлса, кўрсатилган шартлар ҳар бир талабноманинг нусхаси учун бажарилиши лозим;

б) конвенция устуворлиги сўралаётган талабнома Вазирликка келиб ту-

шиши лозим бўлган ва биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан бошланадиган олти ойлик муддатга риоя қилинганлиги. Агар талабнома кўрсатилган муддатдан кечикириб, лекин ушбу муддат тугаган санадан икки ой ўтмасдан келиб тушган бўлса, бу ҳолда талабномани кўрсатилган олти ойлик муддатда топшириш учун тўсқин бўлган, талабнома берувчига боғлиқ бўлмаган вазиятлар талабнома берувчи томонидан кўрсатиб ўтилганлиги ва бундай вазиятлар ҳужжат билан тасдиқланганлиги (зарурат бўлса) текширилади;

в) конвенция устуворлигини белгилаш тўғрисидаги аризанинг талабнома Вазирликка келиб тушган санадан эътиборан уч ойдан кечиктирмай тақдим этилганлиги;

г) талабнома берилган саноат намунасининг биринчи талабномада очиб берилганлиги.

143. Талабнома берувчи томонидан саноат намунасининг устуворлигини худди ўша талабнома берувчининг илгарироқ топширилган талабномасига берилган қўшимча материаллар бўйича белгилаш сўраклаётганда қўйидаги талабларга риоя қилинганлиги текширилади:

а) бундай устуворлик сўраклаётган талабнома қўшимча материаллар талабнома берилган саноат намунасининг моҳиятини ўзгартириши туфайли эътиборга олинмаслиги ҳақидаги сўровнома талабнома берувчига жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида Вазирликка келиб тушиши лозим. Агар қўшимча материаллар саноат намунасининг моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилганлиги ҳақидаги хулоса талабномани эксперталар кўриб чиқиши натижасида олинган ва баённомада қайд этилган бўлса, янги талабномани тақдим этиш учун бериладиган уч ойлик муддат талабнома берувчи (унинг патент вакили ёки ишончли шахси) баённома нусхасини олган ёки ушбу нусха унинг (уларнинг) қўл(лар)ига бевосита топширилган санадан ҳисобланади;

б) талабнома берилган саноат намунасининг Вазирликка келиб тушган санаси бўйича устуворлик сўраклаётган қўшимча материалларда (ушбу материаллар тақдим этилган биринчи талабноманинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда) очиб берилиши лозим.

144. Талабнома берувчи томонидан саноат намунасининг устуворлигини Вазирликка унинг ўзи томонидан илгарироқ топширилган талабнома санасидан белгилаш сўралганда қўйидаги талабларга риоя қилинганлиги текширилади:

а) бундай устуворлик сўраклаётган талабнома саноат намунасига аввалги талабнома топширилган санадан бошлаб олти ой мобайнида Вазирликка келиб тушганлиги;

б) бундай устуворлик сўраклаётган талабнома худди ўша саноат намунасига аввалги талабномани топширган талабнома берувчининг ўзи томонидан топширилганлиги;

в) талабнома берилган саноат намунасининг моҳияти аввалроқ топширилган талабномада очиб берилган бўлиши;

г) илгари топширилган талабнома бўйича ундан аввалроқ устуворлик сўралмаганлиги.

Мазкур бандда назарда тутилган устуворлик сўралганда аввалроқ топширилган талабнома чақириб олинган деб ҳисобланса, талабнома берувчига бу хақда Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда хабар берилади.

145. Ажратилган талабнома бўйича саноат намунасига устуворлик сўралганда, бу ҳолда талабнома берувчининг қўйидаги талабларга риоя қилганлиги текширилади:

а) ажратилган талабнома саноат намунасига берилган дастлабки талабнома бўйича патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар (талабнома бўйича иш юритиши давом эттириш имконияти мавжуд бўлган даврда) ёки дастлабки талабнома бўйича патент бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, саноат намунасини Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш санасигача Вазирликка келиб тушиши лозим;

б) ажратилган талабномада берилган саноат намунаси дастлабки талабномада очиб берилиши лозим. Агар талабнома конвенция талабномасидан ажратиб олинган ва устуворлик унинг устуворлик санаси бўйича сўралаётган бўлса, биринчи талабномада очиб берилган бўлиши лозим.

146. Ушбу Коидаларнинг 142 — 145-бандларига мувофиқ саноат намунаси устуворлигини белгилаш шартларига риоя қилинганини текширишда, устуворлик сўралаётган талабнома ёки устуворлик сўраш учун асос бўлган қўшимча материаллар берилган талабнома чақириб олинмаганлиги ёки чақириб олинган деб ҳисобланмаслиги ўрганилиши лозим.

147. Аввал топширилган ва устуворлик сўраш учун асос бўлган талабнома материалларида талабнома берилган саноат намунасини очиб бериш билан боғлиқ талабга талабнома берувчининг риоя қилганини белгилашда, аввал топширилган материаллардаги тасвирларда талабнома берилган саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуига киритилган ва кўриб чиқилаётган талабномада дастлаб тақдим этилган тасвирларда акс этган барча аломатларнинг мавжудлиги текширилади.

148. Агар устуворликни белгилашда келиб чиқадиган масалалар талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини тугаллаш учун тўсқинлик қилмайди деб ҳисобланса, ушбу масалалар талабнома билан бир вактда кўриб чиқиласди.

149. Талабнома берувчи томонидан ушбу Коидаларнинг 142 — 145-бандларида кўрсатилган талабларга риоя қилинган бўлса, талабнома берилган саноат намунасига нисбатан сўралган устуворлик белгиланади.

150. Талабнома берувчи томонидан ушбу Коидаларнинг 142 — 145-бандларида кўрсатилган талабларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига риоя қилинмаган бўлса, саноат намунасининг устуворлиги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабнома Вазирликка топширилган сана бўйича (бу хақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан хабар берилган ҳолда) белгиланади.

151. Устуворлик белгилангандан сўнг талабнома берувчи томонидан саноат намунасининг ўзгартирилган муҳим аломатлар мажмуи тақдим этилган бўлса, бу ҳолда сўралаётган устуворликни белгилашга асослар мавжудлиги аниқлаш учун такroran текшириш ўтказилади.

5-§. Саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуини текшириш

152. Саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуини текшириш расмий экспертиза тугалланган вақтда талабнома таркибida бўлган аломатлар бўйича Давлат муассасаси томонидан ўтказилади, агар талабнома берувчи томонидан муҳим аломатлар мажмуига ушбу вақтдан кейин ўзгартириш киритилган бўлса, бу ҳолда, ушбу Коидаларнинг 184 — 188-бандларида кўрсатилган талабларга риоя қилинганини шарти билан, ўзгартирилган муҳим аломатлар мажмуи текширилади.

153. Расмий экспертизани ўтказишда саноат намунасининг бирлиги талаби бузилганлиги аниқланган бўлса ва талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказишни бошлиш олдидан талабнома берувчи қайси саноат намунаси (ёки вариантлари) топширилган талабнома доирасида кўриб чиқилиши кераклигини Давлат муассасасининг сўровномаси юборилган санадан бошлаб уч ой муддатда хабар қилса, текшириш ушбу саноат намунаси бўйича ўтказилади.

Талабнома берувчидан сўровнома юборилган санадан бошлаб уч ой муддатда бундай хабар келмаган тақдирда, текшириш саноат намунаси тавсифида биринчи бўлиб кўрсатилган саноат намунасига (вариантларига) нисбатан ўтказилади.

154. Саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуини текширишда талабнома берилган саноат намунасининг муҳим аломатлари мавжудлиги текширилади, бунда уларнинг муҳим аломатлар мажмуи талабнома берувчи томонидан алоҳида хусусиятлари кўрсатилган буюмнинг тасвирларда акс эттирилган ташқи кўринишини шакллантириш учун етарли бўлиши керак.

Агар тасвирларда акс эттирилган бирон-бир аломат талабнома берувчи томонидан муҳим аломатлар мажмуига киритилмаган, лекин экспертиза натижасида ушбу аломат буюмнинг ташқи кўринишини шакллантиришга таъсир кўрсатади деб ҳисобланса, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига бундай аломатни муҳим аломатлар мажмуига киритиш таклиф этилади. Талабнома берувчи бундай тузатиш киритишни рад этган ҳолларда кейинчалик саноат намунасининг патентга лаёқатлиигини текширишда буюмнинг ташқи кўринишига тегишли алоҳида хусусиятнинг мавжудлиги Давлат муассасаси томонидан ҳисобга олинмайди.

Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган муҳим аломатлар мажмуида, саноат намунасининг тавсифида уларга нисбатан буюм ташқи кўринишининг ўзига хос хусусиятларига таъсири борлиги кўрсатилмаган аломатлар мавжудлиги аниқланган бўлса, бу ҳолда Давлат муассасаси томонидан бундай аломатларни муҳим аломатлар мажмуида сақлаш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида талабнома берувчининг фикри сўралиши мумкин.

155. Саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуини текшириш ундағи аломатларни ушбу Коидаларнинг 61-бандига мувофиқ визуал идентификациялаш мумкинлигини аниқлашдан иборат.

Аломатларни визуал идентификациялаш мумкинлигига шубҳа туғилган

тақдирда, Давлат муассасаси талабнома берувчидан идентификациялаш имкони мавжудлигини тасдиқлайдиган тушунтиришлар сўраб олишга ҳақлидир.

Агар аломатни идентификациялаш мумкин бўлиши учун унинг таърифи ни саноат намунасининг тасвирлари ва тавсифига асосан тузатиш зарур бўлса, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига сўровнома юборилиб, унда бундай тузатишни амалга ошириш таклиф этилади.

Аломатни идентификациялаш мумкин бўлиб, лекин уни таърифлаш учун эскирган ёки муайян фаолият ёки дизайн соҳасида қабул қилинган атамаларга мос бўлмаган атамалар қўлланган бўлса, талабнома берувчига жўнатиладиган сўровномада муҳим аломатлар мажмуига тегишли тузатишлар киритиш тавсия қилиниши мумкин.

Агар аломатни идентификациялаш мумкин эмаслиги аниқланган бўлса ва талабнома берувчи муҳим аломатлар мажмуини тузатишни рад этса, у ҳолда Давлат муассасаси томонидан талабномани кўриб чиқиши давомида бундай аломат эътиборга олинмайди.

156. Агар талабнома берувчи томонидан Давлат муассасасига тақдим этилган муҳим аломатлар мажмуини текширишда унинг тузилиши ёки баён қилиниши ушбу Коидаларнинг 57 — 59, 64 ва 62-бандларида қўйилган талабларга мос эмаслиги аниқланса, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига жўнатиладиган сўровномада муҳим аломатлар мажмуига тузатишлар киритиш таклиф қилинади.

Давлат муассасаси томонидан саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатини текширишда унда буюм ташқи кўринишининг алоҳида хусусиятлари кўринишида амалга ошириладиган бадиий-конструкторлик ечимида тааллуқли бўлмаган аломатлар аниқланади.

Фақат ахборот-истеъмол, ахборот-реклама ёки бошқа маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган ва график, шрифт ёки колористик хусусиятларга эга бўлмай, тасвирлаш элементларида ўз аксини топган ва саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатидаги ушбу элементларга тегишли аломатлар билан таърифланадиган аломатлар, хусусан бирон-бир маънога, шу жумладан ахборот мазмунига эга элементларга, масалан ҳарфлар, сўзлар, гаплар, сонлар, шу жумладан маҳсулотда маҳсус белгилар вазифасини бажарадиган элементларда (масалан, стандарт, тайёрланган жойи, ишлаб чиқарилган йили, дизайн муаллифи, маҳсус фарқланиш белгиларида) ўз ифодасини топган аломатлар буюмнинг бадиий-конструкторлик ечимида кирмайди. Саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатида бундай аломатлар мавжуд бўлса, бу ҳолда Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига ушбу рўйхатга тузатиш киритиш ва ундан мазкур аломатларни чиқариб ташлаш таклиф қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатидаги аломат ушбу Коидаларнинг мазкур бандида келтирилган шартлар бузилган ҳолда таърифланганлиги аниқланса, бироқ талабнома берувчи саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатига тузатиш киритишдан воз кечса, у ҳолда Давлат муассасаси томонидан талабномани кейинчалик кўриб чиқишида бундай аломат ёки саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатига киритилган ва уни таърифлаш учун ишлатилган тушунчалар эътиборга олинмайди.

157. Агар талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказишида ушбу Қоидаларнинг 124-банди «а» кичик бандида кўрсатилган талабномага қўйиладиган талабларнинг бузилганлиги аниқланса, у ҳолда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан сўровнома жўнатилади ҳамда шундан сўнг талабномани, шу жумладан саноат намунасининг бирлиги талабларига риоя қилинганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ушбу Қоидаларнинг 125-бандида мазкур вазиятга кўлланилиши кўрсатилган ечимларга нисбатан ўтказилади ҳамда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан ушбу Қоидаларнинг 131-бандига мувофиқ сўровнома жўнатилади.

158. Агар талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини бошлишдан олдин муҳим аломатлар мажмуи саноат намунасининг бирлигига қўйиладиган талабнинг бузилганлиги ёки патент божи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган микдордан кам тўланганлиги муносабати билан кўрилмаётган вариантларнинг аломатларини ўз ичига олса, шунингдек муҳим аломатлар мажмуига саноат намунасининг бож тўланган вариантлари аломатларигина кирган бўлиб, муҳим аломатлар мажмуининг тузилмаси ушбу Қоидаларнинг 63-банди талабларига мос келмаса, бундай ҳолларда Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига сўровнома юборилиб, муҳим аломатлар мажмуига ундан кўрилмаётган вариантларнинг аломатларини чиқариб ташлаш ва/ёки уни ушбу Қоидаларнинг 63-бандида кўрсатилган шаклда тақдим этиш бўйича тузатишлар киришиш таклиф қилинади.

Талабнома берувчи муҳим аломатлар мажмуига тузатишлар киритишга рози бўлмаган тақдирда, патентга лаёқатлиликни текшириш фақат кўриб чиқилаётган саноат намунасига (унинг вариантларига) нисбатан ўтказилади ва бунда унинг (уларнинг) муҳим аломатлар мажмуи қаторидаги таҳлил мақсадларида экспертиза томонидан ажратиб олинган муҳим аломатлари хисобга олинади.

159. Рўйхат бандларида таърифланган саноат намуналарини вариантларга тўғри киритилганини Давлат муассасаси томонидан текширишда, талабнома берувчи томонидан кўрсатилган саноат намуналарининг вазифалари ва асосий композицион элементлари бир-бирига мос келишига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Агар вариантлардан ҳар бири (ёки улардан бири) учун бир нечта асосий композицион элементлар кўрсатилган бўлиб, бироқ кўрсатиб ўтилган асосий композицион элементлар қаторида фақат айримларининг мос келгани аниқланган бўлса, асосий композицион элементларнинг мос келиши шарти бузилмаган хисобланади. Саноат намунасининг бирлиги талабига риоя қилинмаганлик аниқланганда талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан ушбу Қоидаларнинг 131 — 133-бандларида келтирилган тартибда хабардор қилинади.

6-§. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текшириш

160. Агар талабнома берувчи томонидан тақдим этилган саноат намунас-

ининг муҳим аломатлар рўйхатини текширишда унинг ушбу Қоидаларнинг талаблари бузилган ҳолда тузилганлиги аниқланиб, бироқ бу бузилишлар талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текширишга таъсир этмайди деб ҳисобланганда, у ҳолда саноат намунасининг муҳим аломатлар рўйхатига тузатиш киритиш билан боғлиқ барча масалалар бундай рўйхат билан таърифланган саноат намунасининг патентга лаёқатлилиги тўғрисида дастлабки хulosса олинганидан сўнг Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчи билан сўровнома бериш орқали аниқлаштирилади.

161. Талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текшириш учун ушбу Қоидаларнинг 154 — 160-бандларига мувофиқ текшириш ўтказилган муҳим аломатлар рўйхати белгиланади.

162. Талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текширишда қўшимча равишда талабнома берилган ечим патентга лаёқатли деб тан олинмайдиган таклифлар рўйхатига мансуб ёки мансуб эмаслиги текширилади ва саноат намунасининг янгилик ва оригиналлилик шартларига мувофиқлиги аниқланади. Талабнома берилган обьект муҳофаза қилинмайдиган таклифлар рўйхатига оид деб тахмин қилинганда, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига тегишли далиллар баён қилинган сўровнома юборилади.

163. Талабнома берилган обьект, агар унга нисбатан ушбу Қоидаларнинг 7-бандига асосан муҳофаза қилинмайдиган обьектларга оид деб хulosса чиқарилмаган бўлса, унинг янгилик ва оригиналлилик шартларига мувофиқлиги текширилади.

164. Талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текширишда ушбу саноат намунасига тегишли бўлган ҳамда муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан саноат намунасининг моҳияти оммавий тарзда ошкор қилинган ҳолда очиб берилган ахборотга эга манбалар, агар саноат намунасига талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан олти ойдан ўтмай туриб Вазирликка топширилмаган бўлса, эътиборга олинмайди.

Ушбу Қоидаларнинг 165 — 168-бандларига мувофиқ патентга лаёқатлилики текшириш натижалари бўйича Давлат муассасаси томонидан патент бериш ёки патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

165. Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, агар саноат намунасининг муҳим аломатлари мажмуй саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

166. Ҳар бир шахс ўзи танишиши мумкин бўлган ёки мазмуни қонуний йўл билан маълум қилиниши мумкин бўлган ахборот манбаидаги маълумотлар оммавий тарзда ошкор этилган маълумотлар деб ҳисобланади.

Қўйидагилар ахборот манбаидаги маълумотларни оммавий тарзда ошкор этилган маълумотлар сарасига киритиш мумкинлигини белгилайдиган сана деб ҳисобланади:

муҳофаза ҳужжатларига эълон қилинган тавсифлар учун — уларда кўрсатилган эълон қилиш санаси;

босма нашрлар учун — уларда кўрсатилган нашр этишга имзо қўйилган сана;

нашр этишга рухсат берувчи имзо қўйилган сана кўрсатилмаган босма нашрлар ва бошқа босма нашрлар учун — улар нашр қилинган сана, ушбу санани аниқлаш имконияти бўлмаганда эса, — агар нашр қилинган вақти фақат йил ва ой билан белгиланган бўлса, ойнинг охирги куни ёки нашрда кўрсатилган йилнинг 31 декабрь санаси;

мақолалар, шарҳлар, монографиялар ва бошқа материалларнинг депозитга қўйилган қўллэзмалари учун — улар депозитга қўйилган сана;

илмий-тадқиқот ишлари ҳақидаги ҳисоботлар учун, тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда илмий-техника ахбороти органларида сақланадиган бошқа конструкторлик, технологик ва лойиҳа хужжатларига тушунтириш хатлари учун — улар ушбу органларга келиб тушган сана;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар учун — улар ваколатли ташкилотда рўйхатга олинган сана;

қўллэзма ҳуқуқида чоп этилган диссертация материаллари ва диссертация авторефератлари учун — улар кутубхонага келиб тушган сана;

танловга қабул қилинган ишлар учун — улар танишиш учун очиқ намойиш қилинган ва танлов ўtkазишга оид хужжатлар билан тасдиқланган сана;

визуал идрок этиладиган ахборот манбалари (плакатлар, моделлар, маҳсулотлар) учун — уларни кўриш мумкин бўлган ва хужжат билан тасдиқланган сана;

кўргазмага қўйилган экспонатлар учун — уларни намойиш қилиш бошланган ва хужжат билан тасдиқланган сана;

теле-намойиш, кино орқали хабарлар учун — бундай хабар берилган сана, агар у кўрсатилган санада қайд этилган бўлса;

буюм ҳақида ундан фойдаланиш натижасида маълум бўлган маълумотлар учун — ушбу маълумотлар ҳамма танишиш имкониятига эга бўлган ва хужжат билан тасдиқланган сана.

167. Саноат намунасининг янгилигини белгилашда аввалроқ устуворликка эга бўлган талабномалар қўйидагиларга асосан ҳисобга олинади:

талабнома Ўзбекистон Республикасида топширилган бўлса;

талабнома бошқа талабнома берувчи томонидан топширилган бўлса;

талабнома чақириб олинмаган, шунингдек чақириб олинган деб ҳисобланмаган бўлса.

Талабнома ариза, тасвиirlар ва муҳим аломатлар мажмуи билан биргаликдаги саноат намунасининг тавсифи Вазирликка келиб тушган санадан эътиборан ушбу талабнома таркибида бўлган тасвиirlар ва саноат намунасининг тавсифига нисбатан эътиборга олинади. Агар бу сана кўрилаётган талабноманинг устуворлик санасидан кечроқ бўлса, аввалроқ устуворликка эга бўлган талабнома мазмунининг устуворликни белгилаш учун асос бўлган материаллари (биринчи талабнома, аввалроқ топширилган талабнома, ушбу талабномага қўшимча материаллар) мазмуни билан мос тушган қисми ахборот манбалари қаторига киритилади.

168. Саноат намунасининг янгилигини белгилаш, шунингдек Ўзбекистон

Республикасида патент олган (шу жумладан, талабнома топширилган) саноат намуналари ҳам уларнинг устуворлик санасидан бошлаб ҳисобга олинади.

169. Агар ушбу Қоидаларнинг 165 — 168-бандларида кўрсатилган ахборот манбаларида талабнома берувчи томонидан таклиф этилган саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуида таърифи ва тасвири келтирилган аломатларга айнан ўхшаш бадиий-конструкторлик ечим тўғрисидаги маълумотлар аниқланган бўлса, саноат намунаси янгилик шартига мувофиқ эмас деб эътироф этилади.

170. Давлат муассасаси томонидан кўриб чиқилаётган саноат намунаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот манбаи аввалроқ устуворликка эга бўлган талабнома бўлса, бу ҳолда ушбу талабнома чақириб олинмаганлиги ва чақириб олинган деб ҳисобланмаганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Агар талабнома чақириб олинмаган бўлса, шундай талабнома мавжудлиги ҳақида (унинг талабнома берувчисини кўрсатмаган ва мазмунини очмаган ҳолда) талабнома берувчига (аввалроқ устуворликка эга бўлган талабнома бўйича аниқ қарорга келингунга қадар) унинг талабномасини кўриш тўхтатиб турилиши ҳақида Давлат муассасаси томонидан маълум қилинади.

Бунда, талабнома берувчи талабномани кўриш тўхтатиб турилишига норозилик билдиrsa, Давлат муассасаси томонидан талабнома берилган саноат намунасининг янгилик шартига мувофиқ эмаслиги белгиланади.

171. Саноат намунасининг янгилик эмаслиги аниқланганда, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига экспертизанинг тегишли далиллари баён қилинган ва ушбу далилларга нисбатан ўз фикрини тақдим этиш таклиф қилинган сўровнома жўнатилади.

172. Янгилик шартига мувофиқ эмаслиги аниқланган саноат намунасининг оригиналлиликка текшируви ўтказилмайди.

173. Қонуннинг 8-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, саноат намунаси, агар унинг муҳим аломатлари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг муҳим аломатларига буюм ташки кўринишининг алоҳида хусусиятларини белгиловчи аломатлар, шакли, конфигурацияси, орнаменти ва ранглар уйғунлиги киради.

Давлат муассасаси томонидан оригиналлиликни текшириш талабнома берилган муҳим аломатлар мажмуида таърифланган саноат намунасига нисбатан ўтказилади ва у қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) ушбу Қоидаларнинг 35-бандига мувофиқ энг яқин аналогни аниқлаш;
- б) тасвирларда тақдим этилган ва талабнома берувчи томонидан муҳим аломатлар рўйхатида таърифланган саноат намунасини энг яқин аналогидан (муҳим фарқловчи аломатлардан) фарқлайдиган муҳим аломатларни аниқлаш;
- в) кўриб чиқилаётган саноат намунасининг муҳим фарқловчи аломатлари билан мос келувчи аломатларга эга бўлган ечимлар тўғрисидаги маълумотларни устуворлик санасигача ҳамма фойдалана олиши мумкин бўлган маълумотлар орасидан аниқлаш (ахборот манбаида мавжуд ҳамма фойдалана

олиши мумкин деб ҳисобланган маълумотларнинг санасини аниқлашда ушбу Қоидаларнинг 166-банди талабларидан фойдаланилади);

г) саноат намунасини унинг муҳим фарқловчи аломатларидан келиб чиқсан хусусиятларини ҳамда кўриб чиқилаётган ечимларнинг фарқловчи аломатлари билан мос келувчи аломатлардан аниқланган ечимларнинг алоҳида хусусиятларини таққослаш.

174. Саноат намунаси, агар унинг муҳим фарқловчи аломатларидан ақалли биттаси янги бўлса, оригиналлилик шартига мувофиқ деб ҳисобланади. Саноат намунаси, шунингдек унинг барча муҳим фарқловчи аломатлари янги бўлмай, бироқ ушбу аломатларнинг бирикуви кўриб чиқилаётган саноат намунасига янги бадиий-конструкторлик ечим берса, бу ҳолда ҳам оригиналлилик шартига мувофиқ деб ҳисобланади.

175. Ўзининг энг яқин аналогидан муҳим аломатлар мажмуига киритилган аломати (аломатлари) билан фарқланадиган ва ушбу аломатнинг (аломатларнинг) талабнома берувчи томонидан кўрсатилган алоҳида хусусиятларига таъсири тасдиқланмаган буюмда ўз ифодасини топган саноат намунаси оригиналлилик шартига мувофиқ деб ҳисобланмайди.

Талабнома берилган саноат намунаси оригиналлилик шартига мувофиқ эмас деб ҳисобланган ҳолларда, буюмнинг алоҳида хусусиятларига муҳокама қилинаётган аломатларнинг таъсирини тасдиқлаш учун экспертиза томонидан талабнома берувчи келтирган далиллар нима учун асоссиз деб ҳисобланиши тўғрисида асосланган далилларни қўйидаги ҳолларда келтириши мумкин:

а) талабнома берилган саноат намунаси буюмнинг маълум ечимиidan кўз билан кўриб фарқлашга имкон бермайдиган алоҳида хусусиятларга эга бўлса (саноат намунаси буюмнинг аввалдан маълум бўлган ечими билан адаштириб юбориш даражасида ўхшашликка эга бўлса);

б) талабнома берилган саноат намунаси буюмнинг маълум бўлган ечимиidan кўз билан кўриб фарқлашга имкон берадиган алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, бироқ ушбу хусусиятлар қўйидагилар ҳисобига яратилган бўлса, уларга ижодийлик хос бўлмайди:

бир бутун буюмнинг фақат ўлчамларини (буюмнинг масштабини) ўзгартириш ҳисобига, (бунда, буюмнинг қолган барча аломатлари (буюм таркибий қисмларнинг шакллари ва (ёки) элементларнинг шакллари, пропорциялари, колористик ечими) сақланиб қолади);

буюмнинг фақат рангини ўзгартириш ҳисобига;

буюмни фақат оддий геометрик фигура ёки жисм (масалан, айлана, ҳалқа, кўпбурчак, шар, конус, пирамида, призма, параллелепипед, тор) кўринишида ушбу геометрик фигура ёки жисмга бирон-бир ўзгартириш киритилмаган ҳолда ҳал қилинганлиги ҳисобига;

буюм ечимида фақат бир турдаги элементларнинг миқдорини (аммо, уларнинг тузилиши ёки жойлашув тизимини ўзгартирувчи ҳолда) ўзгартириш ҳисобига (бунда, ушбу ўзгартириш талабнома берувчи кўрсатиб ўтган буюм ечимларнинг хусусиятларига таъсир қиласлиги керак);

реал ҳажмнинг кичрайтирилган ёки катталаштирилган (ҳам соддалашти-

рилган, ҳам масштабга риоя қилинган ҳолда) нусхаси бўлган буюмни (масалан, ўйинчоқ, сувенир) яратиш ҳисобига;

муайян вазифани бажарадиган буюмларга хос бўлган, аммо бошқа техник асосда бажарилган шаклларни факат тақорорлаш ҳисобига (масалан, анъанавий равишда ёғочдан тайёрланадиган буюмга ўхшатиб полимер материалдан тайёрланган буюм), бунда ушбу ўзгариш талабнома берувчи томонидан кўрсатиб ўтилган буюм ечимининг алоҳида хусусиятларига таъсир кўрсатмайди;

таклиф қилинган буюм ўз ташқи кўринишини бир қарашда ўзига ўхшаш бошқа маълум обьектларнинг ташқи кўринишидан ўзлаштиргани ҳисобига, agar бунда ҳам буюмнинг вазифаси билан, ҳам ўзаро ҳар хил вазифани бажарувчи иккита шундай обьект маълум бўлса;

маълум буюмлардан, уларнинг ташқи кўринишини ўзгартирмаган ҳолда, тўплам (комплект) тузиш ҳисобига.

176. Агар талабнома берилган саноат намунасида оригиналлилик йўқлиги аниқланган бўлса, у ҳолда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан тегишли далиллар баён қилинган ва бу далилларга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини ва зарур ҳолда талабноманинг дастлабки материаллари асосида саноат намунасининг тузатилган мухим аломатлари рўйхатини тақдим этиш таклиф қилинган сўровнома юборилиши мумкин.

7-§. Қўшимча материалларни сўраб олиш

177. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Давлат муассасаси томонидан қўшимча материаллар, шу жумладан ўзгартирилган мухим аломатлар мажмуюи сўралган сўровнома талабнома берувчига бундай материалларсиз талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш имконияти бўлмаган ҳолларда юборилади.

Бунда, сўровнома юбориш учун қўйидагилар асос бўлади:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланмаган ёки белгиланган миқдордан кам тўланган бўлса;

б) саноат намунасининг мухим аломатлар мажмумини ушбу Қоидаларнинг 152 — 161-бандларига мувофиқ текшириш натижалари бўйича аниқлаш зарурияти бўлса;

в) талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини ушбу Қоидаларнинг 162-бандига мувофиқ текшириш билан боғлиқ саволларни ҳал қилиш зарурияти бўлса;

г) талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текшириш натижалари бўйича мухим аломатлар мажмумига аниқликлар киритиш зарурияти бўлса;

д) бир хил устуворлик санасига эга бўлган айнан ўхшаш саноат намуналирига талабномаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарурияти бўлса.

Талабномани кўриб чиқишида юзага келадиган бошқа турдаги масалалар (масалан, устуворликни белгилаш, саноат намунасининг мухим аломати таърифини аниқлаштириш), шунингдек таклиф ва мулоҳазалар ҳам мазкур

бандда келтирилган асосларга кўра Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига юбориладиган сўровномага киритилиши мумкин.

Сўровнома юбориш учун мазкур бандда келтирилган асослар мавжуд бўлмаганда, талабнома берувчи юзага келган таклиф ва мулоҳазалар ҳақида Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда хабардор қилинади.

178. Ушбу Қоидаларнинг 158-бандига мувофиқ вазиятларда саноат намунасининг (унинг вариантиларининг) патентга лаёқатлилиги аниқланган бўлса, бу ҳақда Давлат муассасаси томонидан юборилган сўровномада талабнома берувчига маълум қилинади ва талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказилмаган ечимлар аломатларини мухим аломатлар мажмуидан чиқариб ташлаш яна бир бор таклиф этилади. Бунда, талабнома берувчи сўралган материалларни ёки муддатни узайтириш ҳақидаги илтимосномани тақдим этмаса, талабнома Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ чақириб олинган деб ҳисобланади.

179. Талабнома берувчи идентификация қилинмайдиган ёки талабнома топширилгандан сўнг талабнома берувчи томонидан таклиф этилган, дастлабки материалларда мавжуд бўлмаган ва ушбу Қоидаларнинг 195-бандига мувофиқ эътиборга олинмаган аломатни патентга лаёқатлилик тўғрисида хulosha олинган мухим аломатлар рўйхатига киритишин талаб қилган ҳолларда, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига кўрсатиб ўтилган аломатни ичига олмаган рўйхатни тақдим этиш таклифи билан сўровнома юборилади.

180. Талабнома берувчи идентификация қилинмайдиган ёки талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган ҳамда талабнома берувчи томонидан талабнома топширилганидан кейин таклиф қилинган ва ушбу Қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ эътиборга олинмаган аломатни мухим аломатлар рўйхатига, унга нисбатан патентга лаёқатлилиги ҳақида хulosha олинган ҳолда, киритишин талаб қилса, Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига таркибида кўрсатиб ўтилган аломат бўлмаган рўйхатни тақдим этиш таклиф қилинган сўровнома юборилади. Бунда, талабнома берувчига сўралаётган материаллар тақдим этилмаганда, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланиши тўғрисида ҳам хабар қилинади.

181. Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига жўнатиладиган, мазкур Қоидаларнинг 177-бандида кўрсатилган сўровномада моҳият бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш (ёки ниҳоясига етказиш) учун тўсқинлик қилувчи ҳолатларни баён қилиш билан бирга, талабномани кўриб чиқишида юзага келган барча саволлар, мулоҳазалар ва таклифлар келтирилади.

Талабнома берувчига мухим аломатлар мажмуига, масалан мухим аломат таърифини аниқлаштириш, талабнома берилиган мухим аломатлар мажмуидан мухим бўлмаган аломатни чиқариб ташлаш каби тузатишлар киритиш билан боғлиқ таклифларни жўнатишда бундай тузатишни киритиш ва ундан воз кечиш қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги Давлат муассасаси томонидан асосли равишда кўрсатилиши керак.

182. Сўровномада ахборот манбаига ҳавола қилинганда, ушбу манбани

топиш учун зарур бўлган унинг ҳамма библиографик маълумотлари, шунингдек талабномани кўриб чиқишида эътиборга олинган маълумотларни ушбу манбадан топиш учун керак бўладиган бошқа маълумотлар (саҳифа, хатбoshi, график тасвирлар фигуруларининг рақами) кўрсатилиши лозим.

Сўровнома юбориш учун талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини текшириш натижалари бўйича муҳим аломатлар рўйхатини аниқлаштириш зарурияти асос бўлган бўлса ва рўйхатга киритиладиган аниқликлар тавсифда ва (ёки) чизмаларда ва (ёки) эргономик схемада келтирилган маълумотларга тегишли изоҳлардан иборат бўлса, талабнома берувчига аниқликлар киритилган тавсиф ва (ёки) чизмаларни ва (ёки) эргономик схемани (ўрнини босувчи варақларни) ҳам тақдим этиш таклиф қилиниши мумкин.

183. Давлат муассасаси томонидан сўралган материаллар уч ой муддатда келиб тушмаган ёки муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилмаган ҳолларда, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

8-§. Кўшимча материалларни текшириш

184. Талабнома берувчининг ташаббуси билан талабноманинг расмий экспертизасини муддатидан олдин бошлаш ҳақидаги илтимоснома берилгандан сўнг ёки бундай илтимоснома берилмаган бўлса, талабнома келиб тушган санадан икки ой ўтгандан кейин талабнома материалларига кўшимчалар, тузатишлар ёки аниқликлар киришни назарда тутадиган кўшимча материаллар Давлат муассасасига келиб тушган тақдирда, улар талабнома берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўлаган тақдирда Давлат муассасаси томонидан кўриб чиқилади ёки патент божи тўланмаган ҳолда бу ҳақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда хабар берилади.

185. Талабнома материалларидаги ўзгартиришлар талабнома берувчининг ташаббусига кўра киритилган ўзгартиришлар эканлигини белгилашда Давлат муассасаси томонидан қўйидагилар эътиборга олиниши керак:

а) экспертизанинг ёзма равища берилган сўровномасини олгандан кейин ёки сўровномани олмасдан туриб ҳам талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ўзгартиришлар (агар бундай ўзгартиришлар талабнома материалыни тайёрлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган бўлса, талабнома берувчининг ташаббусига кўра киритилган деб ҳисобланмайди);

б) агар талабнома берувчи томонидан талабнома материалларига киритилган ўзгартиришлар экспертизанинг ёзма равища берилган сўровномаси билан боғлиқ бўлиб, уни олгандан сўнг тақдим этилган бўлса, ўзгартиришлар талабнома берувчининг ташаббусига кўра киритилган деб ҳисобланмайди.

186. Давлат муассасасининг сўровномаси бўйича талабнома берувчи томонидан тақдим этилган кўшимча материаллар бўйича уларни тақдим этиш муддатларига риоя қилинганлиги текширилади.

Агар талабнома берувчи кўшимча материалларни уч ой муддатга риоя қилмаган ҳолда тақдим этганлиги аниқланса, талабнома чақириб олинган

деб ҳисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда хабардор қилинади.

187. Талабнома берувчининг ташаббусига кўра ёки Давлат муассасаси сўрвномасига кўра тақдим этилган ва кўриб чиқишига қабул қилинган қўшимишча материаллар талабнома берилган саноат намунасининг моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади. Агар қўшимча материаллар таркибида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган, бироқ улар қаторига киритиш талаб этиладиган аломатлар бўлса, у ҳолда улар талабнома берилган саноат намунасининг моҳиятини ўзгартиралини деб эътироф этилади.

Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган аломатлар аниқлик киритилган муҳим аломатлар мажмуи таркибида бўлган ҳоллардагина эмас, балки талабнома берувчи аниқлик киритилган муҳим аломатлар мажмуи таркибида киритишни кўрсатиб ўтган ҳолда ҳам, саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуига киритилиши лозим деб ҳисобланади.

Қўшимча материалларда келтирилган ва муҳим аломатлар мажмуига киритилиши лозим бўлган аломатлар, агар улар патент бериш учун ариза, тасвиirlар комплекти ва саноат намунасининг муҳим аломатлар мажмуини ўз ичига олган тавсиф Вазирликка келиб тушган санада талабнома таркибидаги тасвиirlарда акс эттирилмаган бўлса, талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган деб эътироф этилади.

Талабноманинг дастлабки материалларида мавжуд бўлмаган ҳамда муҳим аломатлар мажмуига киритилиши лозим бўлган аломатларга таалукли бўлмаган қўшимча материаллар талабнома берилган саноат намунасининг моҳиятини ўзгартиралини деб ҳисобланмайди. Бундай маълумотларга саноат намунасини амалга ошириш шартлари тўғрисидаги янги (қўшимча) маълумотлар, мисоллар, аниқлаштирилган график материаллар киритилиши мумкин.

188. Қўшимча материаллар талабнома берилган саноат намунасининг моҳиятини ўзгартиралини деб эътироф этилган ҳолларда, талабнома берувчига (экспертизанинг унга юборилган навбатдаги ҳужжатида) бундай хulosага келиш учун қўшимча материалларга киритилган маълумотларнинг қайсилари асос бўлганлиги ҳақида маълум қилинади. Бунда, талабноманинг кейинги кўриб чиқилиши ушбу қўшимча материалларда тақдим этилган муҳим аломатлар рўйхатига нисбатан, аммо юқорида кўрсатилган аломатларни инобатга олмаган ҳолда давом эттирилади.

9-§. Патент бериш ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарор

189. Талабнома берувчи томонидан таклиф этилган ва тасвиirlарда акс эттирилган муҳим аломатлар мажмуида таърифи келтирилган саноат намунаси (агар саноат намунасининг бирлиги талаби бажарилган ҳолда саноат намунаси варианtlарига талабнома берилган бўлса, унинг ҳар бир варианти) патентга лаёқатлиликнинг ушбу Коидалардаги ҳамма шартларига мувофиқлиги аниқланган ҳолда Давлат муассасаси томонидан саноат намунасига патент бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Агар талабнома материалларида камчиликлар бўлиб, аввал талабнома берувчи уларни бартараф этиш ҳақида огоҳлантирилмаган бўлса, талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан сўровнома юборилиб, унда талабнома берувчи ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида аниқликлар киритилган материалларни Давлат муассасасига тақдим этиши лозимлиги ҳақида хабардор қилинади.

190. Талабнома берувчи томонидан таклиф этилган мухим аломатлар мажмуига киритилган ва тасвирларда акс эттирилган мухим аломатлар мажмуи билан таърифланган саноат намунаси ушбу Қоидаларда белгиланган патентга лаёқатлилик шартларининг ҳеч бўлмагандан биттасига мос эмаслиги аниқланса, бу ҳолда Давлат муассасаси томонидан талабнома берувчига патент берилиши мумкин эмаслиги далиллар келтирилган ҳолда билдирилган сўровнома юборилади ва унга ушбу сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида экспертиза хulosаларига нисбатан ўз фикрини маълум қилиши таклиф этилади.

191. Талабнома берувчи экспертизанинг фикрига нисбатан розилик билдирган тақдирда, унга Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда патент бериш рад этилганлиги тўғрисида қарор юборилади.

Талабнома берувчи патент беришни рад этиш учун сабаб бўлган ҳолатлар билан таниширилгандан сўнг, унинг томонидан талабнома берилган саноат намунасининг патентга лаёқатлилигига далиллар тақдим этилган бўлса, аммо улар экспертиза хulosасини ўзгартирмаган бўлса, бу ҳолда Давлат муассасаси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва унда талабнома берувчи экспертизанинг хulosаларига рози бўлмаган тақдирда, қарор жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида Вазирликнинг Апелляция кенгашига апелляция топшириш ҳукуқига эга эканлиги тўғрисида қўшимча равиша хабар қилинади.

Агар Давлат муассасасининг қарорида ахборот манбаига ҳавола келтирилган бўлса, унинг библиографик маълумотларини кўрсатишда ушбу Қоидаларнинг 182-бандида кўрсатилган шартларга амал қилиниши лозим.

192. Саноат намунасининг вариантларини ўз ичига олган талабнома бўйича ҳам патентга лаёқатли, ҳам патентга лаёқатсиз ечимларнинг мавжудлиги аниқланса ва талабнома берувчи унга жўнатилган сўровномага берилган жавобда мухим аломатлар мажмуидан патентга лаёқатсиз вариантларни таърифлайдиган аломатларни чиқариб ташлашдан бош тортса, бу ҳолда ҳам Давлат муассасаси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда, қарорда бир вақтнинг ўзида патентга лаёқатли деб хулоса чиқарилган вариантларнинг патентга лаёқатлилиги тасдиқланади.

193. Агар қўрилаётган талабнома бўйича саноат намунасининг патентга лаёқатлилиги аниқланган бўлиб, лекин унга айнан ўхшаш, аввалроқ устуворлик санасига, санаси мос келганида эса аввалроқ қайд этиш рақамига эга бўлган ва чақириб олинмаган ёки чақириб олинган деб ҳисобланмаган саноат намунасига бошқа талабнома мавжуд бўлса, қўрилаётган талабноманинг талабнома берувчисига бу ҳақда хабар берилади, шунингдек унинг талабномаси бўйича Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмида

белгиланган шартлар бажарилган ҳолда патент бериш мумкинлиги ҳақида маълум қилинади.

Кўрилаётган талабноманинг талабнома берувчисига айнан ўхшаш саноат намунасини ўз ичига олган бошқа талабноманинг библиографик маълумотларини маълум қилиш ва саноат намунасига патент бериш ҳақидаги маълумотлар эълон қилингунга қадар унинг мазмунини очишга фақат бошқа талабноманинг талабнома берувчиси розилиги бўлган ҳолда йўл қўйилади.

194. Саноат намунаси, агар уларнинг тасвирларда акс этган муҳим аломатлари мажмуи тўлиқ мос тушса, айнан ўхшаш деб эътироф этилади.

Саноат намуналарининг айнан ўхшашлиги уларнинг таҳриридаги муҳим аломатлар мажмуалари асосида аниқланади.

Агар айнан ўхшаш саноат намуналарига талабномалар айнан битта талабнома берувчи томонидан топширилган бўлса, у ҳолда Давлат муассасаси томонидан сўровнома юбориш орқали талабнома берувчига унинг томонидан кўрсатиладиган фақат битта талабнома бўйича патент берилиши мумкинлиги хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2024 йил 11 январдаги 2-мх-
сон бўйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1361, 2004 йил 20 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 243-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 20 январдаги 11-сон «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1361-1, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 95-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 33-сон «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1361-2, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 427-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий хужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 10-yanvardagi 1-mh-son “Nodavlat sud-ekspertiza tashkilotlari sud ekspertlari tomonidan o‘tkaziladigan sud ekspertizalarining murakkablik darajasini aniqlash tartibi va sud ekspertizalarini amalga oshirish muddatlarini tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 10-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3488.

2. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2023-yil 22-dekabrdagi 11-son, Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligining 2023-yil 20-dekabrdagi 2023/31-10-son hamda Davlat aktivlarini boshqarish agentligining 2023-yil 14-dekabrdagi 01/14-07-2/30-son “Tashkent Pharma Park” innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasteri hududida investitsiya loyihalarini joylashtirish, klaster a’zolari (ishtirokchilari)ni ro‘yxatdan o‘tkazish va ularga guvohnomalarni berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2024-yil 10-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3489.

3. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2023-yil 26-dekabrdagi 262-mh-son “Tadbirkorlik subyektlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazishda ularga elektron raqamli imzo kalitlarini berish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 10-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2349-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 11 январдаги 2-мх-сон «Саноат намунасига патент бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2024 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3490.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2012 йил 5 мартағи 5-ю-сон «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишида уларга электрон рақамли имзо калитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2349, 2012 йил 5 апрель).

2024 йил 10 январда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон «Саноат намунасига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1361, 2004 йил 20 май), шунингдек унга ўзгартирышлар (рўйхат рақами 1361-1, 2009 йил 24 февраль), (рўйхат рақами 1361-2, 2011 йил 30 сентябрь).

2024 йил 11 январда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур хужжатлар қонунчиликка ўзгартериш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.